Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

2 декабрь 1972 йил, шанба ◆ № 283 (15.454). ◆ Баҳоси 2 тийин.

СССР ПАРТИЯ-ҲУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БУДАПЕШТДАН ЖЎНАБ КЕТДИ

БУДАПЕШТ, 1 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегациясининг визити тугади.

СССР ва ВХР байроқлари билан безатилган Венгрия пойтахтининг кўча ва майдонларига бугун неча ўн минглаб кишилар чиқишди. Будапешт меҳнаткашлари шу кунларда совет делегациясини бениҳоя зўр ҳурсандчилик ва самимият билан кутиб олишди. Бугун улар Совет Иттифоқидан келган азиз меҳмонларга оқ йўл тилаб қолиш учун яна пойтахт кўчаларига чиқдилар.

Делегация бошлиғи ўртоқ Л. И. Брежнев, делегация аъзолари — КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Украина Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари В. В. Шчербицкий, КПСС Марказий Комитетининг секретари К. Ф. Катушев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, ташқи ишлар министри А. А. Громико, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Эстония Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Г. Кэбин, шунингдек делегация билан бирга ВХРда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитетининг аъзоси К. В. Русаков, КПСС Марказий ревизия комиссиясининг аъзоси А. М. Александров бугун Будапештдан Москвага жўнаб кетдилар.

СССР ва ВХР давлат байроқлари билан безатилган Ферихедь аэродромида совет делегациясини Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Министрлар Советининг Раиси Е. Фок, ВХР Президиуми Раиси П. Лошонци, ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг, ВХР Министрлар Советининг аъзолари, жамоат ва оммавий ташкилотларнинг, Будапешт шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг раҳбарлари кузатиб қолдилар.

Кузатиб қолувчилар орасида СССРнинг ВХРдаги элчиси В. Я. Павлов, совет элчихонасининг ходимлари, Будапештдаги дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари бор эди.

Учиш майдонида Венгрия Халқ армияси жангчиларининг фахрий қоровули саф тортиб турди.

СССР ва ВХР давлат гимнлари ижро этилди.

Л. И. Брежнев ва Я. Кадар ўртоқлар фахрий қоровул сафи олдидан ўтдилар.

Ўртоқ Л. И. Брежнев, совет делегациясининг аъзолари пойтахтнинг меҳмондўст аҳолиси билан, Венгриянинг партия ва давлат раҳбарлари билан самимий хайрлашдилар.

Совет саёҳатчи Москвага йўл олди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

ПОП РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ПЛАНИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Наманган область, Поп районидаги Ленин номли колхоз правленеси, бошланғич партия ташкилоти, мутахассислари партия XXIV съезди томонидан қўйилган вазифаларга амал қилиб, хўжаликни 1971 — 1975 йилларда иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг илмий жиҳатдан асосланган комплекс планини тузиб чиқиб, уни амалга оширишга киришганликларини таъкидлайди.

Колхозда пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш учун бор бўлган имкониятлардан ва резервлардан янада тўлароқ фойдаланишга колхозчиларни сафарбар қилиш ишлари олиб борилмоқда, меҳнатчиларни коммунистик руҳда тарбиялаш, уларнинг ижодий ташаббусини ошириш юзасидан амалий тадбирлар қунт билан амалга оширилмоқда, колхозчиларнинг сиёсий ва маданий билимини кенгайтириш, малакасини ва иқтисодий билимларини ошириш юзасидан конкрет тадбирлар белгилаб чиқилди. Маҳсулот етиштиришни кўпайтириш, унинг сифатини ошириш ва таннархини камайтириш учун, тўқкизинчи беш йиллик план топшириқларини ортиғи билан бажариш учун социалистик мусобақа кенг авж олдириб юборилган.

Маданий-маиший объектларни қуриш ва колхоз аъзоларининг фаровонлигини яхшилаш юзасидан катта тадбирлар белгиланган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Поп районидаги Ленин номли колхознинг 1971 — 1975 йилларда иқтисодий ва социал ривожланиш планини маъқуллади.

Колхоз партия ташкилотига, правлениесига хўжаликни иқтисодий ва социал ривожлантириш юзасидан бундан кейин ҳам фаол иш кўриш, бунда мавжуд резерв ва имкониятлардан ҳар томонлама фойдаланишга алоҳида эътибор бериш тавсия этилади. Колхозчиларни социал ривожлантириш масалаларини астойдил ҳал қилиш, дала ва ферма меҳнатчиларининг меҳнат, турмуш шароитини, маданий дам олишини ташкил этишни доимо яхшилаб бориш, уларнинг умумий таълим даражасини ва махсус билимларини ошириш, колхозчиларнинг ижодий активлигини ривожлантириш, уларни ишлаб чиқаришни бошқаришга кенг жалб этиш зарур.

Социал тадбирларни амалга оширишни меҳнат унумдорлигини ўстириш, моддий ва меҳнат ресурсларидан рационал фойдаланиш, колхоз коллективи олдида турган хўжалик вазифаларини ҳал этиш билан яқиндан боғлаб амалга ошириш керак.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Наманган область партия комитети ва Поп район партия комитети зиммасига Ленин номли колхоз партия ташкилотига ташкилотчилик ва сиёсий ишларнинг формалари ҳамда методларини такомиллаштириш, колхозни иқтисодий ва социал жиҳатдан ривожлантириш планларини муваффақиятли бажаришда колхозчиларнинг ишлаб чиқариш ҳамда жамоат фаолиятига унинг самарали таъсирини таъминлашда ҳар тарафлама ёрдам бериш вазифасини юклади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ўзининг мазкур қарорида область ва район партия комитетларига Поп районидаги Ленин номли колхознинг иқтисодий ва социал ривожланиш планини ўрганиб, колхозларни иқтисодий ва социал юксалтириш юзасидан конкрет тадбирларни белгилаб чиқиш ва амалга ошириш, колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг диққат-эътиборини ҳамишà ана шу тадбирларни муваффақиятли амалга оширишга қаратиш вазифасини топширди.

Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик, мелиорация ва сув хўжалиги, маданият, соғлиқни сақлаш министрликларига, «Узсельхозтехника» республика бирлашмасига, «Узколхозстройга Поп районидаги Ленин номли колхозга хўжаликни иқтисодий ва социал ривожлантириш планини амалга оширишда кўмаклашиш топширилди.

(Ленин номли колхознинг иқтисодий ва социал ривожланиш режалари газетанинг иккинчи саҳифасида босилаётир).

Совет — Венгрия музокаралари тугаши олдидан.

А. Пахомов телефотоси. («ПРАВДА»).

ВЕНГРИЯ—СОВЕТ ДЎСТЛИГИ ЖАМИЯТИДА УЧРАШУВ

БУДАПЕШТ, 1 декабрь. (ТАСС махсус мухбири). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси бугун Венгрия — Совет дўстлиги жамиятининг раҳбарлари ва активлари билан учрашди.

Учрашувда Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Я. Кадар қатнашди.

Меҳмонларни ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, ВХР Давлат Мажлисининг Раиси, Венгрия — Совет дўстлиги жамиятининг раиси ўртоқ А. Апро табриклади.

Ўртоқ А. Апро Л. И. Брежнев ва Я. Кадар ўртоқларга, совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзоларига мурожаат қилиб, бундай деди:

Ўртоқ Брежнев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси Венгрияда бўлган вақтларида бизнинг Венгрия — Совет дўстлиги жамиятига ҳам келганликлари биз учун зўр қувонч ва шарафдир. Менимча, ўртоқ Л. И. Брежнев ва делегация аъзолари ҳамма жойда — Будапештда ҳам, Венгрия областлари бўйлаб саёҳат қилган вақтларида ҳам мамлакатимиз меҳнаткашлари билан учрашув чоғида венгер ва совет халқлари ўртасидаги дўстлик туйғуси бизнинг жамиятимизгагина хос бўлиб қолмасдан, бутун мамлакатимизга — Венгрия Халқ Республикасига ҳам хос эканлигига шахсан ишонч ҳосил қила олдилар.

Ана шу дўслик, уни мустаҳкамлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиш, коммунизм қураётган Совет Иттифоқининг ютуқларини оммалаштириш, совет халқининг бугунги турмуши, ижодий иши билан халқимизни таништириш — жамиятимизнинг энг муҳим вазифасидир. Айни вақтда биз Венгрия — Совет дўстлиги жамиятининг кўмагида венгер халқининг социализм қуришдаги ютуқлари тўғрисида Совет Иттифоқида кўпроқ нарса билишларига ҳам ёрдам бермоқдамиз. Биз Совет Иттифоқининг ижтимоий, иқтисодий ва маданий ривожидаги муваффақиятларни жуда юксак қадрлаймиз.

Венгер халқи ўртоқ Брежневни ўзининг яхши дўсти, партия ва давлат арбоби, социалистик ҳамдўстликнинг бирлигини мустаҳкамлаш, империализмга қарши кураш манфаатларини кўзлаб ишлайдиган киши сифатида ҳурмат қилади. Биз сизни табриклаш билан совет халқининг бахт-саодати йўлида, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг, тинчлик ва социализм ишининг манфаатлари йўлида доимо иш олиб бораётган кишини табриклаймиз.

Леонид Ильич, биз сизнинг сиймонингда Венгрия — Совет алоқаларини, венгер — совет дўстлигини мустаҳкамлаш йўлида жуда кўп иш қилган коммунист раҳбарни табриклаймиз.

Биз шу билан фахрланамизки, ғояларимиз ва мақсадларимизнинг муштараклиги биз, венгерларни жаҳон социализм системаси билан, яқин орада ўзи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини нишонлайдиган энг қудратли социалистик давлат — Совет Иттифоқи билан узвий равишда боғлаб турибди. Бизнинг мамлакатимизда венгер халқи билан совет халқи ўртасидаги дўстлик — партиямиз сиёсатининг энг асосий масаласидир. Социалистик Венгрияни қуриш учун, уни ҳар томонлама ривожлантириш учун Совет Иттифоқи билан алоқаларни доимо ривожлантириш ҳаётий муҳим элементдир. Бизнинг жамиятимиз учун ана шу алоқаларни мустаҳкамлаш — фахрли вазифадир.

Шундан кейин сўзга чиққан жамиятнинг бош секретари М. Надь Венгрия — Совет дўстлиги жамиятининг СССРда коммунизм қуришни ютуқларини оммалаштириш соҳасидаги хилма-хил, ҳар томонлама фаолиятини гапириб берди. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXIV съезди қарорларини оммалаштириш сиёсий пропагандада жуда катта ўрин олмоқда. Жамият ишида ўн минглаб активлар қатнашмоқда. Ҳозирги вақтда мамлакатда жамиятнинг саккиз юзга яқин коллектив аъзоси иш олиб бормоқда.

М. Надь Л. И. Брежневга мурожаат қилиб, бундай деди: Сизнинг лутфан ташрифингиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги арафаси кунларига тўғри келди. Совет Иттифоқининг дўстлари номидан Сизни ва Сиз орқали совет коммунистларини, Совет Иттифоқи халқларини табриклашга ижозат бергайсиз. Сизга ва барча совет кишиларига чин кўнгилдан, астойдил катта-катта муваффақиятлар ва бахт-саодат тилайман.

Мажлис аҳлининг гулдурос қарсаклари остида А. Апро жамиятнинг марказий правленеси ва унинг барча активлари номидан ўртоқ Л. И. Брежневга Венгрия — Совет жамиятининг олтин гулчамбарли нишонини топширади.

Учрашувда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев нутқ сўзлади. У жамият раҳбарлари ва активлари делегацияни шодиёна кутиб олганликлари учун уларга чин қалбдан миннатдорчилик айтди. Венгрия — Совет дўстлиги жамияти олиб бораётган ишнинг аҳамиятини биз юксак қадрлаймиз, деди ўртоқ Брежнев. Жамият бўлимлари ва аъзолари олиб бораётган ҳар томонлама фаолият тўғрисида бу ерда А. Апро билан М. Надь ўртоқлар айтиб берган ишлар бизни ғоят мамнун қилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев шундан кейин СССРда Совет — Венгрия дўстлиги жамияти анча катта иш олиб бораётганлигини айтди. Совет мамлакатидаги ва ВХРдаги, социалистик ҳамдўстликнинг бошқа ҳамма мамлакатларидаги ана шундай дўстлик жамиятлари бизнинг мамлакатларимизга хос бўлган янги фазилатларнинг мевасидир. Бу янги фазилатларни бизнинг ижтимоий тузумимиз, социализм ва коммунизм қурилиши юзага келтирмоқда.

Социалистик ва коммунистик қурилишнинг ҳар бир босқичида, деб таъкидлади ўртоқ Брежнев, партия меҳнаткашларнинг манфаатларига, халқнинг манфаатларига мос келадиган иш формаларини танлаб олади. Дўстлик жамиятлари — ана шу формаларнинг биридир. Бу жамиятлар ўз фаолияти билан партия ғояларини оммага сингдирмоқдалар, партиянинг катта ва кўп қиррали ишида унга ёрдам бермоқдалар. Бундай жамиятларнинг сиёсий моҳиятигина эмас, сиёсий қиммати ҳам ана шу энг асосий ишда намоён бўлмоқда. Бу жамиятлар ўз мамлакатларининг халқлари ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш ҳамда чуқурлаштириш соҳасида қардош партиялар олиб бораётган ишга жуда катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бизнинг сиёсатимиз, деди совет делегациясининг бошлиғи, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик сиёсатидир. Ана шу сиёсат муносабати билан дўстлик жамиятларининг иши алоҳида маъно, алоҳида фазилат касб этади. Венгрия — Совет ва Совет — Венгрия дўстлиги жамиятларининг фаолияти — ҳамкорлик туфайли кучларимиз кўпайиб бораётганлигининг тимсолидир.

Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва қизғин қарсаклар билан қутиб олинди.

Ўртоқ Л. И. Брежнев учрашувдан эсдалик бўлсин учун жамиятга СССР герби билан иттифоқдош республикаларнинг гербларини тасвирини ва М. В. Ломоносов номидаги Ленинград чинни заводида ишланган «Москва» гулдонини тортиқ қилди.

Дўстлик жамиятида совет партия-ҳукумат делегациясини Венгрия ишчилар ҳаракатининг ветерани Е. Надь, халқ адибаси П. Мартон, ҳайкалтарош З. Олчаи-Киш ҳам табриклашдилар.

Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Я. Кадар совет делегациясини самимий кутиб олганликлари учун жамият раҳбарларига ташаккур айтди. Венгрия — Совет дўстлиги жамиятининг ҳамма активларига уларнинг самарали фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилади.

Ўртоқ Л. И. Брежнев, совет делегациясининг аъзолари жамиятнинг ҳурматли меҳмонлари дафтарига қуйидаги сўзларни ёзиб қўйдилар:

«Биз, Совет партия-ҳукумат делегациясининг аъзолари Венгрия — Совет дўстлиги жамиятининг раҳбарлари билан учрашиш тўғрисидаги таклифни зўр хурсандчилик билан қабул қилдик. Совет Иттифоқида сизларнинг жамиятингиз ўзи ташкил этилгандан бери ўтган 27 йил мобайнида СССР билан ВХР ўртасидаги қардошлик муносабатларини мустаҳкамлашга қўшиб келаётган катта ҳисса юксак қадрланади.

Биз Венгрияда бўлган чоғимизда венгер халқининг Совет Иттифоқига қизғин ва астойдил хайрихоҳлигига, қардошларча туйғуларига ишонч ҳосил қилдик.

Жамиятга ва унинг барча активларига ўзларининг олиҳаноб фаолиятида янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз».

СОВЕТ—ВЕНГРИЯ МУЗОКАРАЛАРИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги совет партия-ҳукумат делегацияси билан Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг Биринчи секретари Я. Кадар бошчилигидаги Венгрия раҳбарлари ўртасидаги музокаралар 1 декабрь куни Будапештда тугалланди.

Музокаралар давомида СССР билан ВХР ўртасидаги қардошларча ҳамкорликни янада чуқурлаштириш билан боғлиқ бўлган масалалар, шунингдек актуал халқаро проблемалар муҳокама қилинди.

Учрашув вақтида қабул қилинган кўшма ахборот эълон қилинади.

Музокаралар дўстлик, самимият ва яқиллик вазиятида, муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан тўла ҳамжиҳатлик руҳида ўтди.

В. И. ЛЕНИН ИЛМИЙ биографиясининг янги нашри

КПСС Марказий Комитети ҳузуридаги марксизм-ленинизм институти нашрга тайёрлаган «Владимир Ильич Ленин. Биография» китобининг бешинчи нашри босилиб чиқди.

Авторлар коллективи йўлбошчи илмий биографиясининг бешинчи нашрини тайёрлаганларида В. И. Ленин туғилган кунинг 100 йиллиги муносабати билан чиққан партиявий ҳужжатларга, КПСС XXIV съезди ва Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигига тайёргарлик тўғрисидаги қарорига таяниб иш олиб бордилар. В. И. Ленин, ленинизм тўғрисида кейинги йилларда эълон қилинган кенг илмий адабиётлардан фойдаланилди. В. И. Ленин биографиясини ўқувчиларга ёрдам тариқасида предмет-тематик кўрсаткич, шунингдек бошқа кўрсаткичлар берилди.

Китобни сиёсий адабиёт нашриёти босиб чиқарди.

ЯКУНЛАР, ИСТИҚБОЛЛАР

Э. ШАЙХОВ,
Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалик министри.

Ҳар бир кун бизни буюк тарихий сана — СССРнинг ярим асрлик юбилейига тобора яқинлаштирмоқда. Ҳар қачонгидек, анъанага кўра, совет кишилари байрамни энг янги меҳнат ютуқлари билан ва яхши ишлари билан кутиб оляптилар.

Республикамиз меҳнаткашлари юбилей йилини аъло даражада якунляптилар. Улар меҳнатда оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар. Мажбуриятни бажаришга бўлган ишонч билан, Ватан олдидаги бурчни бажариш йўлида оммавий қаҳрамонлик кўрсатдилар.

Пахтачилик тарихида биринчи марта давлат хирмонларига 4 миллион 700 минг тоннага яқин «оқ олтин» топширилди. Шуни айтиб ўтиш керакки, кейинги икки йил давомида Ўзбекистон меҳнаткашлари она-Ватан хирмонига планда-гидан 1 миллион 300 минг тоннадан ортиқ «оқ олтин» топширдилар. КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезди белгилаб берган вазифаларни амалга ошира бориб, пахтакорларимиз катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Бу ғалабага барча областлар ва Қорақалпоғистон АССР ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Бу йил — тўқкизинчи беш йилликнинг иккинчи йили шу билан ажралиб турадики, бу йилда фақат кўп пахта топширилишигина қолмай, пахтачилик тарихида энг ҳосилдор йил бўлгани қайд этилди. 1 миллион 670 минг гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан ўрта ҳисобда 28,1 центнердан ҳосил йиғиб-терилди олинди. Андижон, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм областлари, шунингдек, республикамиздаги 40 дан ортиқ районлар гектаридан 30 центнердан ошириб ҳосил териб олдилар. 10 район колхоз ва совхозларида ҳар гектар ер ҳосилдорлиги 35-40 центнерни ташкил этди. Республикамиз қимматбаҳо ингичка толали пахта тайёрлаш планини ҳам муваффақиятли бажарди.

Оққўрғон районидаги Свердлов номли колхоз, Янгийўл районидаги «Коммунизм», Сариосиё районидаги «Коммунизм», Оққўрғон районидаги «Шарқ юлдузи», Ленин районидаги «Правда Востока», Ғурлан районидаги «Коммунизм», Боғот районидаги Нариманов номли, Жарқўрғон районидаги «Шарқ юлдузи», Шофиркон районидаги Карл Маркс номли, Косон районидаги Энгельс номли колхозлар, Сирдарё районидаги «Малик» совхози, Чуст районидаги «Партия XX съезди», Денов районидаги «Ҳазорбоғ», Киров районидаги «Бешариқ» совхозларида 40 центнердан ва ундан ошириб пахта йиғиб-териб олинганлиги жуда мароқлидир. Юзлаб бригадалар 50 центнердан ва ундан ҳам ошириб ҳосил йиғиб-териб олдилар.

Пахтачиликни янада ривожлантириш йўлида КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати катта ғамхўрлик кўрсатаётир. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг республикамизда бўлиши ва Тошкентда бўлиб ўтган пахтакор республикаларнинг партия-хўжалик активи йиғилишида қатнашиши бунга ёрқин мисол бўла олади. Узбек пахтакорлари меҳнатига ўртоқ Л. И. Брежнев томонидан берилган юқсак баҳо меҳнат активлигимизни янада оширди, шароитни тўғри баҳолашга ёрдам берди. Етиштирилган ҳосилни тез ва нобуд қилмай йиғиб-териб олишда, барча куч ва ички имкониятларни сафарбар этишда ёрдам берди.

Машина терими кампаниясига якун ясар эканмиз, бу йил ҳосил йиғим-теримида техникадан оммавий фойдаланилганлигини қайд қилиш керак. Пахтачилик тарихида биринчи марта машиналар билан давлатга топширилган ялпи ҳосилнинг 46 проценти, ёки 2 миллион 125 минг тонна пахта йиғиб-териб олинди. Сирдарё, Тошкент, Наманган ва Андижон областларида техникадан фойдаланишда энг юқори кўрсаткичларга эришилди, Мирзачўл совхозларида етиштирилган ҳосилнинг 80-90 проценти машиналарда йиғиб-териб олинди.

Учқўрғон ва Оққўрғон районларининг пахтакорлари давлатга қарийб 100 минг тоннадан пахта топширдилар. Бунда етиштирилган ҳосилнинг 80 проценти машиналарда терилди. Ҳосилдорлик эса, гектар бошига 33 центнерни ташкил этди.

«Зангори кема» капитанларининг социалистик мусобақаси олдинги сафларида донгдор механизаторлар Абдусаттор Курбонов ва Ҳафиз Полвонов боришди. Улар «ХН-3,6» ва «Узбекистон» маркали машиналар билан 800 тоннадан ошириб пахта териб беришди. Балиқчи районидаги «Қизил юлдуз» колхозидан Турсунбой Тожибоев, Марҳамат районидаги «Октябрь 50 йиллиги» колхозидан Обиджон Аббаровлар ўз машиналари бункеридан 700 тоннадан ошириб «оқ олтин» тўкдилар. Худди шундай кўрсаткични Мирзачўлдан Тўлан Дадажонов, Аҳмаджон Валиев, Сурхондарё областидан Светлана Продан ҳам қўлга киритдилар.

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова, Мария Ковалёва, Саодат Тоштемирова ва бошқа кўплаб механизатор хотин-қизлар миз мавсум нормаларини 1,5-2 ҳисса қилиб бажардилар.

«Узбекистон ССР беш йиллиги» совхозининг ташаббускор механизаторлари ўзларининг берган сўзлари устидан чиқдилар. Улар ҳар гектар ердан 37 центнердан ҳосил йиғиб-териб олдилар ва 15 иш кунида халқ хўжалик планини бажардилар. Етиштирилган ҳосилнинг 89 процентини машиналарда териб олдилар. Ҳар бир машина ҳисобига совхозда 140 тоннадан ортиқ пахта териб олинди.

Пахта йиғим-теримида кўпмингкилограммчилар ҳаракати авж олди. Чуст районидаги «Коммунизм» колхозидан Омина Абдураҳимова, Уйчи районидаги Ленин номли колхозидан Саломат Мамадалиева, Ульянов районидаги «Пахтакор» колхозидан Маърифат Темирова, Жиззах районидаги Ленин номли колхозидан Роби Мирзаева, Қорақўл районидаги «Октябрь» колхозидан Бадал Бозорова, Иштихон районидаги «Иттифоқ» колхозидан Вазифа Каримбоевалар хирмонга ўзларининг 12-15 тонналик «оқ олтинлари билан ҳисса қўшдилар.

Бундан бир-икки йил аввал республикамиз пахтачилигида вильт туфайли анча зарар кўрилар эди. Пахтанинг янги навлари — «Тошкент» навларининг экилиши яхши натижалар беряпти. Бу йил бундай навлар қарийб 1 миллион гектар ерга экилди.

Эришилган муваффақият КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съезднинг пахтакорлар олдига қўйган катта ва масъулиятли вазифаларни бажаришда ташланган бир қадам, холос.

1974 йилга бориб республикамизда пахтанинг ялпи ҳосили 5 миллион тоннага етиши керак. Бундай ҳосил етиштириш учун деҳқончилик маданиятини юқори поғонага кўтариш, пахта-беда алмашлаб экишни кенгроқ жорий этиш, суғдан тежаб-тергаб, техника ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш зарур.

Пахта етиштиришни кўпайтиришда сув хўжалиги қурилиши катта роль ўйнайди. Тўқкизинчи беш йилликда, саккизинчи беш йилликка нисбатан, капитал маблағлар шу мақсадга қарийб икки ҳисса ортиқ ажратилган. Ҳозирги пайтда Жиззах зонасида, Мирзачўл ва Карши даштида, Шерободда, Марказий Фарғонада ва Амударёнинг қуйи қисмида катта масштабларда ва зарбдор суръатлар билан ерларни ўзлаштириш давом этяпти. Кўплаб қўрик ва бўз ерларни ўзлаштириш пахта майдонларини янада кенгайтирибгина қолмай, балки ҳосилдорликни янада ошириш имконини беради.

Пахта — республикамизнинг асосий бойлиги. Пахтачиликни ривожлантириш билан бирга, партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ҳам ривожлантириш вазифасини қўйган.

Олтин юбилей рапортларини биринчи бўлиб пиллакорларимиз бошлаб берган эдилар. Пиллакорлар йиллик топшириқни муддатидан илгари бажардилар. Давлатга 25 минг тонна пилла топширилди. Қарийб 3 миллион тонна мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилди. Сут, тухум, хўл мева ,узум, картошка, каноп толаси, тамаки, қоракўл тери етиштириш ва топшириш планлари ошириб адо этилди.

Ғаллакорлар давлатга 448 минг тонна ғалла, шу жумладан 177 минг тонна шоли топширдилар. Айниқса, Қорақалпоғистон АССР шоликорлари катта муваффақиятни қўлга киритдилар. Улар Ватан омборларига 70 минг тоннадан ортиқ шоли етказиб бердилар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисидаги қарорига амал қилиб, иқтисослаштирилган хўжаликларда илмий асосланган тадбирлар амалга ошириляпти. Бу тадбирлар гўшт, сут ва тухум етиштириш планларини ошириб бажаришга қаратилган.

Меҳнаткашларимиз эришган ғалаба Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг оқилона ва максадга мувофиқ иш олиб борганликларининг натижасидир.

ЭРТАГА—ҲОСИЛ БАЙРАМИ

КОЛЛЕКТИВНИНГ КАМОЛОТ РЕЖАЛАРИ

НАМАНГАН ОБЛАСТЬ ПОП РАЙОНИДАГИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ЛЕНИН НОМЛИ КОЛХОЗНИНГ ТУҚҚИЗИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИККА МУЛЖАЛЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ВА СОЦИАЛ РИВОЖЛАНИШ ПЛАНИ

Наманган область Поп районидаги Ленин номли колхознинг 14.810 гектар ери, шу жумладан 2506 гектар экинзори бор. Хўжалик асосан пахта, шунингдек сабзавот, мева ва чорвачилик маҳсулотлари, пилла етиштиради.

Колхозда турли ишларни бажаришга мосланган 126 та трактор, 39 та пахта териш машинаси, 49 та автомобиль, ҳамма қишлоқ хўжалик машиналари ва қурилларининг жамиси бор. Меҳнатга яроқли ҳар бир колхозчи 30 от кучига тенг келадиган машина ва механизмлар билан қуролланган.

1971 йилда ялпи маҳсулотнинг қиммати 1961 йилдагига нисбатан 2.5 баравар, меҳнатга яроқли ҳар бир киши хисобига салкам икки баравар кўпайди.

Шу вақт ичида пахта етиштириш 1,4 баравар кўпайди, 1972 йилда об-ҳаво шароитлари ноқулай келганлигига қарамай, 7200 тонна пахта ҳосили олинди. Ҳосилнинг 80 процентга яқини машиналарда терилди.

Колхозда 1500 бош қорамол, 10800 бош қўй ва эчки бор. Чорва ва парранда зотини, уларни боқиш шароитларини яхшилаш, озуқа базасини мустаҳкамлаш соҳасида муайян иш олиб борилмоқда.

Махсулот етиштириш билан бирга, жамоат даромадлари ҳам кўпаймоқда, хўжалик экономикаси мустаҳкамланмоқда. Кейинги 10 йил ичида колхознинг бўлинмас фонди анча кўпайди. Ана шуларнинг ҳаммаси кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш учун ва колхозчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш учун мустаҳкам замин яратди. 1961 йилга нисбатан 1971 йилда колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлаш 2,3 баравар кўпайиб, ойига 151 сўмга етди. Шу йилларда ижтимоий истеъмол фондлари ҳам кўпайди.

Колхоз посёлкалари электрлаштирилди, радиолаштирилди, газлаштириш ишлари олиб борилмоқда. Колхозда почта, омонат кассаси, АТС, маиший хизмат комбинати, ҳаммом, иккита кутубхона, клуб, кино майдончаси, стадион ва бошқа маданий-маиший объектлар бор. Колхозчиларнинг хонадонларида 675 телевизор, 326 холодильник, 355 кир ювиш машинаси ишлатилмоқда.

Ана шуларнинг ҳаммаси бирга қўшилиб тўққизинчи беш йилликда колхознинг экономикани ривожлантиришда, колхозчилар турмуш даражасини оширишда, шаҳар билан қишлоқ ўртасидаги социал-иқтисодий ҳамда маданий-маиший тафовутларни тугатишда олга томон янги қадам қўйишига имкон беради.

«Бизнинг мақсадимиз совет кишилари ҳаётини янада яхши, янада гўзал, янада бахтиёр қилишдир. Биз фидокорона ва илхомбахш меҳнат қиладиган, барча ижодий кучларимизни тўла бағишлаб ишлайдиган янги йиллар бўсағасида турибмиз. Ана шунинг ўзи биз учун фаровонлик ва бахт-саодат сари, порлоқ коммунистик истиқбол сари олиб борадиган ягона йўлдир»,—деган эди Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездида.

Колхоз правлениеси, бошланғич партия ташкилоти, колхоз ва область мутахассислари КПСС XXIV съезднинг иқтисодий ва социал ривожланиш соҳасида ўртага қўйган вазифалари асосида Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги экономикаси ва уни ташкил этиш илмий-тадқиқот институтининг олимлари билан ҳамжиҳатликда тўққизинчи беш йилликда колхознинг иқтисодий ва социал ривожланиш комплекс планини ишлаб чиқдилар.

Беш йиллик мобайнида колхоз Марказий Фарғонада 4045 гектар янги ерни ўзлаштиради, бу ерда 200 оила яшайдиган ва ҳамма коммунал-маиший муассасалари бўлган посёлка қурилади. Мавжуд далалар яхшилаштирилади, 1975 йилда 10 та массивнинг ҳаммаси тўла алмашлаб экиш оборотига киритилади. Ерни икки ярусли плуг билан ҳайдаш, 1963 гектар майдонга чигитни кенг қаторлаб экиш, гербицидлардан фойдаланиш, ғўзани механизмлар ёрдамида чеканка қилиш ва ҳосилни машинада териб олиш, экинларни қишлоқ хўжалик зараркунандаларидан ҳимоя қилишнинг биологик методларини жорий этиш сингари энг янги агротехника тадбирлари кўзда тутилган. Ялпи пахта ҳосили 1976 йилда 15 минг тоннага етади ва 1972 йилга нисбатан икки баравардан зиёд ортади.

1975 йилда 12 минг тонна пахта етиштирилади. Беш йиллик мобайнида пахта етиштириш 1,7 баравар кўпайтирилади. Дон етиштириш 3 баравар, картошка етиштириш 2,3 баравар, сабзавот етиштириш 2,7 баравар, хўл мева етиштириш 2,3 баравар, узум етиштириш 1,6 баравар кўпайтирилади.

Чорвачиликни янада ривожлантириш йўллари ишлаб чиқилди.

Гўшт етиштиришни 1,5 баравар, сут етиштиришни 2,7 баравар, тухум етиштиришни 12 баравар кўпайтириш кўзда тутилди. Бу маҳсулотларни давлатга сотиш ҳам кўпаяди. Колхоз ана шу вазифаларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида пода зотини анча яхшилайди, ҳар 100 сигирдан 90 та бузоқ, ҳар 100 урғочи эчки ва совлиқдан 110—120 қўзи ва улоқ олади, сигирлар туёғини 415 тадан 600 тага етказади, совлиқлар ва урғочи эчкиларни 3715 тадан 5100 тага, урғочи қўёнларни 100 тадан 600 тага, товуқларни 5000 тага етказади. Швиц зотидан бўлган 400 бузоқ сотиб олинади, қўй ва эчкилар зоти яхшиланади.

1975 йилга қадар чорвачиликдаги ҳамма сермеҳнат жараёнлар тўла-тўкис механизациялаштирилади.

Ем-хашак базаси мустаҳкамланади. Алмашлаб экишни жорий этиш туфайли беда пичани ва сенаж етиштириш 5,5 баравар, витаминли талқон етиштириш 3 баравар, ем етиштириш 7 баравар кўпайтирилади. Ем-хашакнинг бошқа турларини етиштириш ҳам анча ортади.

Чорва маҳсулдорлиги оширилади. Ҳар бир соғин сигирдан соғиб олинадиган сут 1971 йилдаги 1700 килограммдан 3000 килограммга етказилади. Гўштга топшириладиган молларнинг вазни ўрта ҳисобида 500 килограмм бўлади. Ем-хашакни арзонлаштириш, чорвачиликдаги меҳнатни механизациялаш маҳсулот бирлигини етиштиришга бўладиган чиқимни анча камайтириш имконини беради. Чорвачиликнинг рентабеллиги 1971 йилдаги 20 процентдан 1975 йилда 50 процентга кўтарилади.

Пилла етиштириш кўпайтирилади, ангар типидаги бир неча каркас-пленкали қуртхоналар қурилади.

Меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашни такомиллаштириш юзасидан, фан-техника тараққиёти ютуқларини хўжаликнинг ҳамма тармоқларига жорий этиш, агротехниканинг янги усулларидан фойдаланиш, экин экишдан аввалги ишларни, экинларни парваришлашни ва ҳосилни йиғиб-териб олишни механизациялаш юзасидан конкрет тадбирлар белгиланди. 1975 йилда пахта ҳосилининг 90 проценти машиналарда териб олинади. Хўжаликнинг ҳамма тармоқларида меҳнатнинг илмий методларидан кенг фойдаланиладиган бўлади, эски техника энг янги тезкор ва кенг қамровли техника билан алмаштирилади. Машиналарни сақлаш учун бетон майдончалар ва бостирмалар қурилади, уларни ремонт қилиш учун колхоз устахонаси очилади.

Бу тадбирлар ҳар центнер пахта етиштиришга бўладиган меҳнат сарфини 1970 йилдаги 4,4 кишикунидан 1975 йилда 1,9 киши — кунигача камайтириш реал имконини беради.

Механизмлардан фойдаланишнинг самаралироқ усуллари; ишнинг кенг кўламда олиб борилишини таъминлаш, машиналарнинг поток усулида, группа-группа бўлиб ишлашини ташкил этиш кўзда тутилган. Моддий манфаатдорлик системаси яхшиланиб бормоқда ва такомиллаштирилмоқда. Соф фойдани кўпайтирганлик, таннархни камайтирганлик учун қўшимча ҳақ тўлаш жорий этилади. 1975 йилга бориб колхознинг барча бўлинмалари хўжалик ички ҳисобининг янги шароитларига ўтказилади.

Хўжалик йилининг турли шароитларида механизаторлар ишнинг илмий асосланган қулай режимлари ишлаб чиқилган. Иш ҳақи фонди, маданий-маиший, пенсия фонди, моддий рағбатлантириш фонди ошади. 1975 йилда иш ҳақи фондининг ўзигина 1970 йилдагига нисбатан 36 процент кўпайиб, 3 миллион 553 минг сўмни ташкил этади.

Мукофотлаш, қўшимча ҳақ тўлаш фондлари 26,5 процент ортиб, бу фондлар колхозчилар иш ҳақининг 23,1 процентини ташкил этади.

Колхозда ёрдамчи корхоналар ва ишлаб чиқаришлар ривож топади. Ғишт заводи кенгайтирилади ва реконструкция қилинади, компот ишлаб чиқараётган ҳозирги цех ўрнида мавсумий консерва заводи қурилади. Кулолчилик ишлаб чиқариши ривожлантирилади.

Колхоз иқтисодий ва социал ривожланиш планининг амалга оширилиши кўплаб капитал маблағ сарфлашни талаб қилади. Бу маблағ 24,3 миллион сўм миқдорида белгилаб қўйилди. Бу эса 8- беш йилликдагига нисбатан қарийб 3 баравар кўпдир. Янги ерларни ўзлаштириш учун кўплаб маблағ сарфлаш кўзда тутилади. Бу ишни янги ерларни ўзлаштириш юзасидан колхозлараро кенгаш амалга оширади. Шу мақсадлар учун колхоз салкам 8 миллион сўм пул ажратди.

Беш йилликнинг охирига бориб колхозда 240 та ҳар хил машина бўлади, комплекс механизация колхоз ишлаб чиқаришининг барча соҳаларида жорий этилади. Турли соҳада ишлайдиган малакали кадрларга бўлган эҳтиёж анча ортиб бормоқда.

Шу боисдан планда 1975 йилга қадар сигирларни машина билан соғиш мастеридан тортиб, инженерлар, экономистларгача энг хилмахил касбдаги кадрларни тайёрлаш кўзда тутилган. Қанча киши, қаерда ўқиши лозимлиги аниқ белгилаб берилган.

Экономиканинг ўсиши фаровонликнинг яхшиланиб боришига олиб келади, колхоз аъзоларининг ўз сиёсий ва маданий билимларини кенгайтиришлари учун катта имкониятлар яратиб беради, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва меҳнат активлигини оширишга ёрдам беради. Бу эса ўз навбатида экономиканинг ўсишига, меҳнат унумдорлигининг ошишига, рационализаторлик ва новаторликнинг юксалишига, маънавий стимулларнинг роли ва аҳамияти кучайиб боришига баракали таъсир қилади.

Иқтисодий ва социал ривожланиш планида коллективда тарбиявий ишни кучайтириш ва такомиллаштириш кўзда тутилади. Колхозда коммунистик меҳнат мактаби, иқтисодий мактаб, илғор тажриба ва етакчи касблар мактаби доимо ишлаб туради. Қишлоқ ёшлари мактаби, турмуш маданияти халқ университети кенгайиб бормоқда. Коммунист ва комсомолларнинг марксча-ленинча таълими планлари, оммавий-сиёсий ишларнинг формалари аниқ белгиланган.

Интернационал ва ватанпарварлик, атеистик тарбия юзасидан конкрет тадбирлар белгиланган, «Колхозчиларнинг меҳнат кодекси» ишлаб чиқилган.

Бошқа жамоат ташкилотлари: комсомол, касаба союзининг, халқ контроли, меҳнатни илмий ташкил қилиш кенгаши, иқтисодий анализ группасининг вазифалари ўз ифодасини топган. Оммавий-сиёсий ишлар системасида шу ҳамма ташкилотларнинг ўрни аниқ белгиланган.

Социалистик мусобақа формалари такомиллаштирилмоқда: меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш ҳаракати, коммунистик меҳнат зарбдори номини олиш ҳаракати кенгайиб бормоқда. Колхозчиларнинг ҳаммаси шахсий мажбуриятлар бўйича мусобақага жалб этилади.

Маданий ҳордиқ чиқариш, физкультура ва спорт базаси кенгайиб бормоқда. Колхоз профилакторийсида ўринлар сони 1,5 баравар кўпаймоқда, 5 кутубхона ва қироатхона очилади, яна бир стадион қурилади, бадиий хаваскорлик тўгаракларини қатнашчилари беш баравар кўпаяди.

Яна иккита болалар боғчаси қурилади, водопровод шоҳобчалари қарийб икки баравар узайтирилади, барча бригада шийпонларида, гаражларда душхоналар, кийим ечиладиган хоналар қурилади. Колхознинг ўз дам олиш зонаси барпо этилмоқда, колхозчилар ишга автобуслар билан олиб борилади ва олиб келинади, фермаларда ва бошқа ихтисослаштирилган участкаларда ишлаётган кишилар текин махсус кийим оладилар. Аҳолига медицина хизмати кўрсатиш яхшиланади. Колхозчиларнинг ҳаммаси диспансерлаштирилади, профилактика тадбирлари мунтазам равишда ўтказиб турилади.

ФАННИНГ ЯНГИ КУЧЛАРИ

СССР Фанлар академияси академиклари ва мухбир аъзоларини сайлаш ҳамиша мамлакатимиз ҳаётида катта воқеа бўлиб келмоқда. Олий-илмий муассасани янги кучлар билан тўлдириш назарий тафаккур ва фан-техника тараққиёти асосий йўналишларини ривожлантиришга самарали таъсир кўрсатади. СССР Фанлар академиясига ўтказилган сайловлар Ватанимиз ҳаётидаги тарихий воқеа—СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги байрами арафасида бўлганлиги ажойиб воқеадир.

Ушбу сайлов натижасида табииёт ва гуманитар фанларнинг ҳамма асосий соҳалари катта тадқиқотчи ва илмий ташкилотчи сифатида иш кўрсатган таниқли олимлар ҳисобига тўлдирилди.

Бугун бизнинг янги академикларнинг номларини айтишимиз мумкин. «Математика» соҳасида С. М. Никольский ва Ю. В. Прохоров, «Физика ва астрономия» соҳасида

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ АКАДЕМИКЛАРИ ВА МУХБИР АЪЗОЛАРИ САЙЛАНДИ

А. С. Боровик-Романов ва Б. М. Вул, «Ядро физикаси» соҳасида А. А. Логунов сайландилар. Автоматлаштирилган информацион бошқариш системалари соҳасида таниқли мутахассис В. С. Семенихин академиянинг ҳақиқий аъзоси бўлди. Янги сайланган академиклар қаторида органик химия ва табиий бирикмалар химияси соҳасидаги катта олим, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг президенти О. С. Содиқов, енгил қотишмалар металлургияси соҳасидаги етакчи олимлардан бири А. Ф. Белов бор. Таниқли биологлар А. Л. Тахтажян ва Д. К. Беляев ҳам академик бўлдилар.

СССР тарихидан йирик мутахассис Л. В. Черепнин, янги ва энг янги тарихнинг таниқли тадқиқотчиси А. Л. Нарочницкий ҳам академиянинг ҳақиқий аъзолари қилиб сайландилар. Энг йирик славяншунос олим, рус тили ва шарқий славян тиллари тарихи мутахассиси В. И. Борковский академик қилиб сайланди. Украин тили, Украина тарихи, стилистикаси, умумий тилшунослик проблемалари юзасидан атоқли мутахассис И. К. Белодед СССР Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси бўлди. Машҳур совет ёзувчиси Л. М. Леонов «Адабиётшунослик» ихтисослиги бўйича академик қилиб сайланди.

Билимнинг турли соҳалари таниқли вакилларидан анча киши СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзолари қилиб сайланди. Математика бўлими бўйича О. Б. Лупанов ва Н. Н. Говорун, умумий физика ва астрономия бўлими бўйича К. А. Валиев, Л. Н. Курбатов, Ж. И. Алферов, Ю. А. Осипьян, И. М. Халатников, В. А. Крат, Н. А. Борисевич, К. С. Александров сайландилар. Ядро физикаси бўлими мухбир аъзолари А. М. Балдин, В. Н. Грибов, Л. М. Барков билан, механика ва бошқариш процесслари бўлими В. С. Авдуевский, О. М. Белоцерковский, В. В. Петров билан тўлдирилди.

А. Н. Несмеянов, Х. М. Миначев, В. П. Мамаев умумий ва техника химияси бўлими бўйича, В. Б. Алесковский ва М. М. Шульц физикахимия ва анорганик материаллар технологияси бўлими бўйича, И. В. Торгов физиологик актив бирикмалар биохимияси, биофизикаси ва химияси бўлими бўйича, Г. А. Викторов ва А. В. Жирмунский умумий биология бўлими бўйича мухбир аъзолар қилиб сайландилар.

Т. М. Турпаев, Г. И. Горбунов, С. Л. Соловьев, В. А. Жариков, А. С. Алексеев, А. С. Монин, И. Д. Ковальченко, В. Г. Афанасьев, О. Т. Богомолов, М. И. Сладковский, О. Н. Трубачев, Г. И. Ломидзе ҳам мухбир аъзолар қилиб сайландилар.

СССР Фанлар академияси умумий йиғилишининг қатнашчилари янги сайланганларни қизғин табрикладилар.

Академия президенти академик М. В. Келдиш якунловчи нутқида янги сайланган академиклар ва мухбир аъзоларга Ватан-бахт-саодати йўлида катта муваффақиятлар тилади. (ТАСС).

⊙

БУЮК НАЗАРИЙ МЕРОС

«Ленин матбуотда. 1894—1970» деган илмий-статистик тўплам босмадан чиқди. СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ китоб палатаси тайёрлаган бу тўпламни «Книга» нашриёти чоп қилди.

Бу тўплам улуғ Ленининг бутун дунё мулкига айланиб қолган меросини бизга яна эслатади.

Мамлакатимизда Ленин асарларини нашр этиш мислсиз кенг тус олган.

Совет ҳокимияти йилларида В. И. Ленининг 11.090 китоби ва брошюраси салкам 396 миллион нусхада нашр этилди. В. И. Ленин асарлар тўплами беш марта 83 миллиондан ортиқ нусхада 1.464 бор нашр этилганлиги ҳам шу ҳисобга киради. В. И. Ленининг айрим асарларини нашр этиш йилдан-йилга кўпайиб, 6.475 тага етди. Уларнинг жами тиражи эса 228 миллион нусхадан ошиб кетди. Мамлакатимизда Ленин назарий меросининг нашр этилиши кўп миллатли характерга эга эканлиги яққол кўриниб турибди. Ленин асарлари СССР халқларининг 62 тилида (рус тилидан ташқари) 5.829 марта 65 миллиондан ортиқ нусхада, шу жумладан революцияга қадар ўз алифбесига эга бўлмаган 19 элатнинг тилида нашр этилди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон совет республикаларининг ўзида В. И. Ленин асарлари 15 миллион нусхага яқин тираж билан 1296 марта нашр этилди.

В. И. Ленининг миллий масалага доир энг машҳур асарлари: «Миллатларнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи тўғрисида» асари 104 марта 3,4 миллион нусхада, «Миллий масалага доир танқидий мулоҳазалар» асари 77 марта 2,8 миллион нусхада чоп этилди.

Ленининг назарий меросига чет элларда ҳам зўр қизиқиш билан қаралмоқда. 62 чет мамлакатда В. И. Ленин асарлари 7522 марта нашр қилинди.

Ленининг чет элларда чиқарилган жами асарларининг бешдан икки қисми социалистик мамлакатларга тўғри келади. Шу мамлакатлар барпо этилган пайтдан бери Ленининг 3024 китоби ва брошюраси босиб чиқарилди.

Капиталистик мамлакатларда ва «учинчи дунё» мамлакатларида Ленин асарлари тобора кўпроқ чиқарилмоқда. Японияда В. И. Ленин асарлари 1320 марта, Хиндистонда 395 марта. Аргентинада 240 марта нашр этилди ва ҳоказо.

Чет элларда Ленин асарлари тарқалаётган мамлакатлар тобора кўпаймоқда. Кейинги йилларда Европадаги Ғарбий Берлин ва Ирландия, Осиёдаги Кипр, Непал ва Шри Ланка, Латин Америкасидаги Колумбия, Парагвай ва Эквадор, Африкадаги Танзания ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ленин асарларини хорижий халқларнинг тилларида нашр этиш кенгаймоқда. Масалан, бу асарлар ассоми, биласпури, гаурани, ражастони, сингал, суахили тилларида чиқарилди.

СССРда В. И. Ленин асарлари СССР халқлари ва чет мамлакатлар халқларининг 102 тилида, чет элларда 67 тилда нашр этилди.

Умуман бутун дунёда Ленин **асарлари жаҳон халқларининг 125 тилида 18.612 марта босилиб чиқди.** (ТАСС).

УЛКАН ХИРМОНГА

Ўзбекистон ССР областларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 1 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Бажарилиш проценти қўшимча топшириқ ҳисобга олинмай давлат планига нисбатан берилди)

Областлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машина терими: Бир кунда	Мавсум бошидан
ҚАШҚАДАРЁ	—	145,38	—	109,10
СИРДАРЁ	0,02	139,92	—	125,05
АНДИЖОН	0,09	123,77	—	137,68
НАМАНГАН	—	120,98	—	170,14
ТОШКЕНТ	—	120,95	0,02	110,24
ФАРҒОНА	0,07	117,88	0,02	115,08
СУРХОНДАРЁ	0,14	111,49	0,14	90,63
БУХОРО	0,18	109,48	0,29	90,38
САМАРҚАНД	0,21	109,12	0,01	99,25
ҚҚАССР	0,19	98,31	0,04	80,74
Хоразм	0,37	98,16	0,55	95,71
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА:	0,12	117,43	0,09	112,62
Шу жумладан ингичка толали пахта:				
ҚАШҚАДАРЁ	—	151,65		
СУРХОНДАРЁ	0,27	114,79		
БУХОРО	0,43	113,48		
РЕСПУБЛИКА БЎЙИЧА:	0,24	130,50		

Ўзбекистон ССР районларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 1 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Бажарилиш проценти қўшимча топшириқ ҳисобга олинмай давлат планига нисбатан берилди)

Биринчи устун — районлар, иккинчи устун — мавсум бошидан; учинчи устун — шу жумладан машина терими:

ҚАШҚАДАРЁ ОБЛАСТИ		
Қарши	168,65	142,73
Косон	167,66	174,42
Ульянов	162,31	152,66
Ғузор	160,99	101,81
Қитоб	153,91	78,94
Қамаши	144,02	105,78
Яккабоғ	139,24	88,58
Шаҳрисабз	120,64	57,72
Чироқчи	120,17	85,25
СИРДАРЁ ОБЛАСТИ		
Мирзачўл	226,46	200,59
Дўстлик	160,32	151,08
Пахтаор	151,79	134,10
Ильич	148,05	137,47
Жиззах	139,95	100,13
Янгиер	136,26	103,80
Сирдарё	130,96	111,13
Оқолтин	129,62	117,94
Ворошилов	125,62	106,61
Гулистон	120,00	101,89
Боёвут	118,54	108,68
АНДИЖОН ОБЛАСТИ		
Избоскан	137,39	161,26
Ленин	136,69	103,58
Бўз	127,77	158,58
Пахтаобод	125,17	162,72
Андижон	125,11	120,60
Москва	124,65	118,30
Балиқчи	123,50	142,85
Марҳамат	118,15	147,85
Хўжаобод	117,97	151,59
Қўрғонтепа	112,52	120,34
НАМАНГАН ОБЛАСТИ		
Учқўрғон	126,69	231,02
Чуст	124,98	163,59
Янгиқўрғон	124,18	125,64
Поп	120,69	147,85
Уйчи	119,65	160,78
Тўрақўрғон	117,23	165,00
Задарё	114,72	131,92
Наманган	108,66	180,10
ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ		
Оққўрғон	133,56	125,12
Пискент	123,72	105,34
Бўка	119,22	100,68
Янгиўл	116,72	111,80
Бекобод	116,15	105,23
Юқори Чирчиқ	115,64	101,70
Урта Чирчиқ	114,66	103,52
ФАРҒОНА ОБЛАСТИ		
Киров	129,96	107,96
Ўзбекистон	120,65	116,27
Ленинград	119,88	109,04
Фрунзе	119,78	117,77
Охунбобоев	118,07	123,05
Риштон	117,45	131,91
Қува	116,41	119,31
Бағдод	112,50	113,76
Фарғона	111,49	107,80
Олтиариқ	109,84	110,78
Қувасой шаҳри	103,63	100,25
СУРХОНДАРЁ ОБЛАСТИ		
Жарқўрғон	117,48	87,28
Сариосиё	113,82	90,27
Денов	113,44	97,79
Термиз	111,13	86,67
Шеробод	109,34	80,10
Гагарин	109,04	102,30
Шўрчи	106,17	86,98
БУХОРО ОБЛАСТИ		
Ғиждувон	120,74	138,76
Қоракўл	116,26	97,55
Ромитан	114,17	88,20
Вобкент	111,92	104,18
Шофиркон	111,10	70,98
Бухоро	110,87	88,29
Қизилтепа	106,89	102,02
Свердлов	106,55	84,94
Навоий	95,82	81,65
Когон	91,15	87,56
САМАРҚАНД ОБЛАСТИ		
Самарқанд	124,64	106,30
Иштихон	114,53	116,32
Оқдарё	113,04	108,43
Нарпай	112,51	100,71
Пастдарғом	112,12	101,39
Хатирчи	111,94	97,08
Пайариқ	111,00	100,11
Каттақўрғон	109,00	108,25
Ғаллаорол	103,74	74,86
Булунгур	90,74	52,20
Жомбой	89,64	72,05
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР		
Қўнғирот	123,66	102,21
Шуманай	117,67	94,70
Амударё	106,48	73,80
Ленинобод	105,34	92,25
Нукус	100,23	110,63
Беруний	100,14	82,27
Хўжайли	92,70	132,38
Қегайли	92,59	63,65
Чимбой	91,31	84,52
Тўрткўл	91,09	67,30
Тахтакўпир	81,19	47,80
ХОРАЗМ ОБЛАСТИ		
Янгиариқ	103,56	101,26
Боғот	102,33	108,74
Хива	100,38	101,02
Хазорасп	99,17	73,70
Гурлан	99,10	104,95
Урганч	97,21	91,15
Шовот	92,96	89,27
Қўшкўпир	89,33	89,62

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг бориши тўғрисида 1972 йил 1 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун—областлар; иккинчи устун—ҳайдалган майдон (минг гектар ҳисобида) учинчи устун—планнинг бажарилиш проценти.

НАМАНГАН	132,1	104,7
СИРДАРЁ	279,5	103,5
Тошкент	207,6	95,5
Андижон	128,6	73,5
Хоразм	7,6	63,8
ҚҚАССР	25,6	55,3
Қашқадарё	54,3	40,7
Фарғона	49,0	35,9
Самарқанд	67,0	27,9
Сурхондарё	15,9	11,4
Бухоро	15,2	8,4
Республика бўйича:	982,4	58,6

Инглиз журналистлари—ЎЗБЕКИСТОН МЕҲМОНИ

«Правда» газетаси редакциясининг таклифига биноан Буюк Британия Коммунистик партияси органи «Морнинг стар» газетаси ходимларининг СССРда меҳмон бўлиб турган делегацияси Ўзбекистонда уч кун бўлди. Делегацияга «Морнинг стар» газетаси редакциясининг масъул секретари Стен Харрисон бошчилик қилмоқда.

Меҳмонлар республика пойтахтининг диққатга сазовор жойлари билан, ундаги янги қурилишлар билан танишдилар. В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалида, «Таштекстильмаш» заводида ва шаҳарнинг бир қанча маданий-оқартув муассасаларида бўлдилар. Делегация Янгийўл районидаги Ҳ. Турсунқулов номли колхозни бориб кўрди.

Инглиз журналистлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида ва Тошкент шаҳар ижроия комитетида қабул қилинди. (ЎзТАГ).

МИЛЛИЙ БАЙРАМ МУНОСАБАТИ БИЛАН

Югославия Социалистик Федератив Республикасининг Совет Иттифоқидаги элчиси Милорад Пешич миллий байрам—республика куни муносабати билан қабул маросими ўтказди.

Қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари А. П. Кириленко, КПСС Марказий Комитетининг секретари И. В. Капитонов ўртоқлар, ҳарбий саркардалар, Югославияни озод этишда қатнашганлар, совет жамоатчилигининг намояндалари иштирок этдилар.

Қабул маросими самимий, дўстона вазиятда ўтди. (ТАСС).

ТОШКЕНТ КОМПРЕССОРИГА—ОЛТИН МЕДАЛЬ

Тошкент «Компрессор» заводининг «ПР-10М» маркали қўчма ротацион компрессор станцияси кузги халқаро Лейпциг ярмаркасининг катта олтин медалига сазовор бўлди.

Ана шундай машиналар ишлаб чиқаришни мамлакатимизда биринчи бўлиб ўзлаштирган Тошкент заводи ҳозиргача шундай станциядан 550 тасини тайёрлади. Уларни Ўзбекистоннинг ва бошқа қардош республикаларнинг янги қурилишларида учратиш мумкин. Бу станциялар тенг меҳнат унумдорлигига эга бўлган поршенли компрессорларга нисбатан уч баравар енгил ва икки баравар узоқ ишлайди.

Бу йил Тошкент заводи мамлакатимиз қурувчиларига бир минг олти юзта қўчма компрессор станцияси етказиб беради. Уларнинг қарийб олтидан биттаси ротацион компрессор станция бўлади. Корхонада беш йиллик охирига бориб янги машиналар ишлаб чиқариш бир неча баравар ошади.

— Заводимиз коллективи СССР ташкил этилганлигининг 50 йиллиги шарафига олган мажбуриятини бажариб бўлди, деди корхона партия бюросининг секретари Н. Бабичев. (ЎзТАГ).

ПАРТИЯ-ХЎЖАЛИК АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

ГУЛИСТОН, 1 декабрь. (ЎзТАГ). Сирдарё область партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлди. Йиғилиш қатнашчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПнинг «1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарори муносабати билан область партия ташкилоти олдида турган вазифаларни муҳокама қилдилар. Область ижроия комитетининг раиси В. А. Хайдуров доклад қилди.

Муҳокама этилган масала юзасидан кенгайтирилган қарор қабул қилинди. Қарорда қўриқ областда чорвачиликни янада ривожлантириш чоралари белгиланди.

«ИНТЕРКОСМОС-8» ИОНОСФЕРАНИ ТАДҚИҚ ҚИЛМОҚДА

ТАСС ахбороти

Социалистик мамлакатларнинг космик фазони тинч мақсадларда тадқиқ қилиш ва ундан фойдаланиш программасига мувофиқ 1972 йил 1 декабрда Совет Иттифоқида ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши — «Интеркосмос-8» учирилди.

Йўлдош ер ионосфераси хусусиятларини: йўлдош яқинида электронларнинг ва мусбат зарядли ионларнинг тўпланишини, электронларнинг ҳароратини ва уларнинг йўлдош билан ер сатҳи ўртасидаги интеграда тўпланишини тадқиқ қилишни давом эттиришга мўлжалланган. Бундан ташқари, 40 килоэлектронвольтдан ортиқ энергияли электронлар ва бир мега-электронвольтдан ортиқ энергияли протонлар оқимлари қайд этилади.

«Интеркосмос-8» чиқариб қўйилган орбитанинг параметрлари қуйидагича:

— ер юзасидан энг кам узоқлашуви (перигейида) — 214 километр;

— ер юзасидан энг кўп узоқлашуви (апогейида) — 679 километр;

— бошланғич айланиш даври—93,2 минут;

— орбитанинг оғиши — 71 градус.

Йўлдош ичига қуйидаги илмий аппаратлар ўрнатилган:

— Болгария Халқ Республикаси мутахассислари ишлаб чиқиб, тайёрлаб берган ион тузоқлари ва ленгмюр зонди учун электрон блок;

— ленгмюр зонди маълумотларини йўлдошнинг эслаб қолувчи қурилмасига ёзадиган «Маяк» радиопередатчиги ва мувофиқлаштирувчи қурилма (булар Германия Демократик Республикасида ишлаб чиқилган ва тайёрланган);

— Чехословакия Социалистик Республикаси олимлари билан мутахассислари ишлаб чиқиб, тайёрлаб берган юксак частотали зонд учун электрон блок;

— Совет Иттифоқида ишлаб чиқилган ва тайёрланган ионосфера параметрларини ўлчаш приборларининг сезгир элементлари юксак энергияли электронлар билан протонларнинг ярим ўтказгичли ва газ разрядли счетчиклари.

Космодромда йўлдошни учирадиган илмий аппаратларни экспериментда қатнашувчи мамлакатларнинг мутахассислари тайёрладилар.

Йўлдошга ўрнатилган илмий аппаратлар ва йўлдошнинг ҳамма системалари нормал иш

ЧОРВАЧИЛИК-ЗАРБДОР ФРОНТ

ЧОРВАЧИЛИК ИШИНИ КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ВА ВЦСПСНИНГ ҚАРОРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ЭТАЙЛИК. 1972-1973 ЙИЛ ҚИШЛОВИНИ БЕХАТАР ВА ЧИҚИМСИЗ УТКАЗАЙЛИК. БОЙ ТАЖРИБАНИ ИШГА СОЛИБ, МАҲСУЛОТ ЕТИШТИРИШНИ КУПАЙТИРАЙЛИК. ҚИШ ФАСЛИДА ОЛИНГАН БУЗОҚЛАР, ҚУЗИЛАР, ҚУЛУНЛАР, БУТАЛОҚЛАРНИ ТУЛА САҚЛАБ ҚОЛАЙЛИК, БУ БИЛАН КЕЛГУСИДА ТУЕҚ СОНИНИ КУПАЙТИРИШГА ЗАМИН ЯРАТГАН БУЛАМИЗ.

КУЧ-ҒАЙРАТИМИЗ, БИЛИМ-ТАЖРИБАМИЗНИ ЧОРВАДОРЛАРНИНГ БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИДА ҒОЛИБ ЧИҚИШГА САФАР, БАР ЭТАЙЛИК!

ШУ КУННИНГ ТАЛАБИ

Асосан қоракўлчиликка ихтисослашган совхозимиз чорва маҳсулотлари етиштиришда Нурота районида салмоқли ўрин тутади. Коллективимиз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972-1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорини баланд руҳ билан кутиб олди. Чорвадорларимиз партия ва ҳукуматимизнинг гамхўрлигига жавобан чорвачилик маҳсулотларини янада кўпайтириш, таннархини арзонлаштириш ва қишловни соз ўтказишга бел боғладилар.

Совхоз чорвадорлари янги беш йилликнинг иккинчи йилида ҳар юз бош совлиқдан 115 тадан қўзи олиш, давлатга қоракўл тери топшириш планини 127 процент бажариш ва чорва маҳсулотлари таннархини анчагина арзонлаштиришга муваффақ бўлдилар. Хўжалигимиз қоракўлчилик билан бир қаторда сермаҳсул қорамолчилик фермасига ҳам эга. Совхозимиз чорвадорлари ўтган 11 ой ичида бултурги даражадан анча кўп гўшт ва сут тайёрладилар. Чорвадорлар партия ва ҳукуматимизнинг илҳомбахш қарорига жавобан 1973 йилда ҳар юз бош совлиқдан 130 тадан қўзи олишга аҳд қилдилар. Бунинг учун аввало чорва қишловига пухта ҳозирлик кўриш ва қишловни бехатар ўтказиш вазифаси турибди.

Совхознинг ҳамма фермаларида қишлик ем-хашак тайёрлаш планлари ошириб бажарилди. Пландаги 4,6 минг тонна ўрнига 6,3 минг тонна дағал хашак жамғарилди. Шу жумладан 2 минг тонна сомон, 2781 тонна янтоқ ва минг тоннадан кўпроқ беда пичани тайёрланди. Ҳамма хашак қўралар ёнига ташиб келтирилган. Шундан 4 минг тонна дағал хашак чорва моллар учун майдаланди. Ҳар бир қўй ҳисобига 1,5 центнердан дағал хашак тайёрлаб, уни қўйхоналар атрофида шердон усулида кўмиб қўйганмиз.

Республикада хизмат кўрсатган чорвадор Марди Тўймуродов совхозимиз фахри ҳисобланади. У совлиқлардан кўплаб қўзи олишда энг юқори кўрсаткичга эришиб келмоқда. Унинг мусобақадоши Ялғоб Балимонов ҳам чорва қишловини ҳар томонлама пухта кутиб олмоқда. Икки мусобақадош чўпон келгуси йилда ҳар юз бош совлиқдан 180 тадан қўзи олишга ваъдалашдилар. Мусобақадошларнинг ҳар бири ўз отарларидаги ҳар бош қўй учун 210 килограммдан дағал хашак, шу жумладан 140 килограммдан майдаланган хашак жамғариб қўйганлар. Биз мана шу илғор чорвадорларнинг иш тажрибаларини бошқа чўпон-чўлиқлар орасида кенг оммалаштирмоқдамиз.

Яқинда совхоз дирекцияси, партия комитети, комсомол ва ишчилар комитетлари ҳамда зоотехниклар ва ветеринария врачлари билан ҳамкорликда хўжалик чорвадорларининг қишга тайёргарлигини кўздан кечириб чиқдилар. Ҳар бир чўпон билан алоҳида суҳбатлар ўтказилди. Уларнинг қишловга доир талаб ва эҳтиёжлари ўрганилди, бир қанча камчиликлар аниқланди. Мана шу камчиликларни тезда тугатиш чоралари белгиланди. Қишлов олдидан мавжуд қўйхоналар сифатли ремонт қилинди. Баъзилари кенгайтирилди, янгилари қурилди. Қўралар ёнида 13 та янги қудуқ қазилди. эски қудуқлар ремонт қилинди. Навкат ва Панган яйловларидаги бир қанча тоғ чашмалари тозаланди, қишда улардан фойдаланиш имкони яратилди.

Чўпонларнинг яйловдаги уйлари сифатли ремонт қилиб берилди. Бу уйларга радиоприёмниклар ўрнатилган. Яйловларда кўчма дўконларни тез-тез учратиб турасиз. Чорвадорларнинг турмуш шароитини яхшилаш уларнинг самарали меҳнат қилишларини таъминламоқда.

Совхозимиз коллективи чорвадорларнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига яқдиллик билан қўшилдилар. Айни пайтда отарлар билан отарлар ўртасида, бўлимлар ва фермалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа шартлари имзоланди. Мусобақа шартларининг бажарилиши совхоз партия комитети ва ишчилар комитети томонидан мунтазам кузатиб борилади. Мусобақа голиблари ҳар ўн кунда аниқланиб тақдирланади. Кўчма Қизил байроқлар ва пул мукофотлари топширилади. Совхозимиз чорвадорлари эса 1-«Қўшработ» қоракўлчилик совхози билан мусобақалашган. Биз бу мусобақада илғорликни қўлдан бермаслик учун ҳаракат қиламиз.

Қишлов олдидан отарлардаги қўй-қўзилар ва фермадаги қорамоллар зооветеринария кўригидан ўтказилди. Совхознинг 3- ва 4- бўлимларидаги бир қанча отарларда талайгина ориқ қўйлар борлиги, хусусан, Нусрат Шукуров, Жонибек Тошпўлатов бош чўпон бўлган отарларда қўйларнинг кўпи ориқ эканлиги аниқланди. Ориқ қўйларни ажратиб боқиш ва алоҳида парваришлаш тадбирлари белгиланди. Ҳар бир қўй учун қўшимча ем берилади. Ориқ моллар учун 88 тонна аралаш озуқа, 200 тонна кунжара ажратилди. 120 тонна емлик арпа қишда ҳориган қўйларга бериш учун омборларда сақланмоқда.

Шу кунларда хашак майдалаш бригадасида иш қизғин. Бу ерда 87 та «ИГК-30», маркали хашак майдалагич агрегат икки сменада ишлаб турибди. Қишловни муваффақиятли ўтказиш учун отарларга қўшимча кучлар биркитилди, от-уловлар ажратилди.

Совхозимиз чорвадорлари партия ва ҳукуматимизнинг илҳомбахш қарори асосида қишловга пухта ҳозирлик кўриб, қиш фаслида ҳам гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштиришни сира камайтирмаган ҳолда келгуси йилда қоракўл тери, жун тайёрлашни кўпайтириш, таннархини кескин камайтиришга аҳд қилдилар. Келгуси йили ҳар юз бош совлиқдан 130 тадан қўзи, ҳар бир қўйдан 3,2 килограммдан жун қирқиб олинади. Гўштга топшириладиган қўйларнинг тирик вазни 45 килограмм, қорамолларнинг эса — 350 килограммдан кам бўлмаслигига эришамиз.

Шамси УСМОНОВ,
Нурота районидаги «Октябрь 50 йиллиги» совхозининг директори.

ЗАФАР САТРЛАРИ

ҚИЗИЛТЕПА. Район чорвадорлари юбилей йилида катта ғалабани қўлга киритдилар. Давлатга 1008 тонна ўрнига 1099 тоннадан зиёд семиз гўшт етказиб берилиб, йиллик план муддатидан илгари бажарилди.

Районнинг бу зафарига «СССР 50 йиллиги» паррандачилик фабрикаси, «Малик» совхози ва «Бухоро» колхози чорвадорлари муносиб улуш қўшдилар.

И. САЛИМОВ.

ҚАМАШИ. ССР Иттифоқи 50 йиллиги шарафига бошланган умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган район чорвадорлари 26697 центнер сут етказиб бериб, йиллик планни шараф билан бажардилар.

Қўлга киритилган катта ғалабада «Фарғона», Карл Маркс номли совхозлар ва Ленин номли, Калинин номли колхозларнинг сергайрат чорвадорлари ҳиссаси катта бўлди.

М. ЭСОНОВ.

ИШТИХОН. Юбилей йили сут тайёрлаш плани бажарилди. Давлатга 270,1 тонна сут етказиб берилди. Бу, ўтган йилдагига нисбатан 28,6 тонна кўпдир. Чорвадорларимиз яна 45 тонна сут сотиш мажбуриятини олдилар, дейилади Ильич номли колхознинг ғалаба рапортида.

ЯККАБОҒ. «Коммунизм» колхозининг азамат чорвадорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритганликлари тўғрисидаги ғалаба рапортига имзо чекдилар. Улар қабул пунктларига 73 тонна бўрдоқи гўшти етказиб бердилар.

Г. РАҲМАТОВ.

НАРПАЙ. Район чорвадорлари давлат қабул пунктларига 5006 тонна серқаймоқ сут етказиб бердилар. Бу билан сут тайёрлаш йиллик плани муддатидан илгари бажарилди.

Эришилган бу ғалабада Охунбобоев номли, «Коммунизм», «Победа», Калинин номли ва «Иттифоқ» колхозлари оқ чашма соҳибларининг ҳиссаси айниқса салмоқлидир.

З. ЯЛДОШЕВ.

ЁШЛАР, ФЕРМАЛАРГА

Қиш-қировли кунлар яқин. Чиндан ҳам қишлов чорвадорлар учун катта синов бўлади. Ёзда ёпинчиғини унутган, чорва биноларини ремонт қилмаган, ем-хашакни етарли жамғармаган хўжаликлар ёмғир, қор ёққанда шошиб қоладилар. Маҳсулотлар камайиб кетади. Шу сабабли КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қиш давомида ҳам мўл маҳсулот етиштириш, бунинг учун чорвадорлар ўртасида социалистик мусобақани кучайтириш тўғрисида жуда фойдали қарор қабул қилдилар. Бизнинг хўжалигимиз коллективи ҳам бу қарорга амалий иш билан жавоб бериш учун янги резервларни қидирмоқда, қишловнинг чиқимсиз ўтиши, қаттиқ чиллада ҳам мўл гўшт, сут ва бошқа чорва маҳсулотлари етиштириш тадбирларини кўрмоқда.

Резервлар эса ҳар бир хўжаликда бор, қидирса, изланса топилаверади. Биз давлатга гўшт, сут сотиш планларини ошириб бажардик. Совхозда қорамол ва қўйларни семиртириб боқадиган махсус бригада тузганмиз. Бу бригаданинг ибратли ишларини айтиб ўтиш керак. Район молбоқиш пункти 2500 қўйни тўқсон кун боқиб, ҳар бошининг тирик вазнини 41 килограммга етказди. 33 сўм 50 тийиндан сотди. Бизнинг бўрдоқичилик бригадамиз коллективи эса (бригадир Абдиғани Қўшоқов) 1700 бош қўйни эллик кун боқиб, ҳар бош қўйининг вазнини 45 килограммга етказди. Бир қўйни 45 сўмдан сотди. Бу бригада 550 бош қорамолни ҳам бўрдоқига боқди. Ҳар бош молни пландаги 280 килограмм ўрнига 320 килограммгача семиртириб, гўштга топширди. Тўқиз кишидан иборат бу бригада коллективи ем-хашакни ҳам ўзи жамғарди, 345 тонна гўшт етиштириб берди. Бизнинг бу тажрибамиз ҳар бир хўжаликда махсус бўрдоқичилик бригадалари тузилса фойдали бўлишини кўрсатиб турибди. Тўғри, кўп жойларда қорамолларни семиртириш бригадалари бор. Бу жойларда қўйларни ҳам семиртириб боқиш мумкин экан. Даҳлдор ташкилотлар район бўрдоқичилик пунктларидек бизнинг бўрдоқичилик бригадаларимизга ҳам озуқалар ажратса, бундан ҳам юқорироқ кўрсаткичларга эришамиз. Бундан давлат ҳам, хўжаликлар ҳам, эл ҳам манфаатдор бўлади.

Яна бир янгиликни айтиб ўтмоқчимиз. Гап эчкичилик ҳақида борянти. Республикамизнинг кўп областларида бу тармоқ эндан чиқариб қўйилди. Ҳолбуки ота-боболаримиз бу соҳадан ҳам катта даромад олганлар. Жуни — кони фойда. Сути — витаминга бой малҳам-дори. Биз ўтган йили 158 бош Ўзбекистон зотли эчки боққан эдик. Бу йил уларнинг сонини 500 бошга етказдик. Ҳар бир килограмми ўн сўмдан 400 килограмм жун сотдик.

Совхозимизда моллар туёғини кўпайтириш планлари барча турлари бўйича бажарилди. Пландаги 6200 ўрнига 8000 бош қўзини ўстиришга қолдириб, бу соҳадаги планни анча ошириб адо этдик. Яйловларимизда 29 минг бош қўй боқилмоқда. Абдураҳим Бийтўраев мудир бўлган биринчи фермада 11.200 совлиқ, Карим Назаров бошлиқ иккинчи фермада 8 минг икки юз совлиқ бор. Сунъий қочириш яхши ўтазилди, 19 минг 500 совлиқдан 13,5 мингтасига СЖК препарати қўйилди.

Яйловларимиз 37 минг гектар. Унда 39 сурув қўй боқилянти. 32 та кошарни ремонт қилиб қўйдик. Чўпон-чўлиқлар учун махсус жойлар тайёрланди, уларга иссиқ кийим-кечаклар берилди. Ҳар бир кўтон олдига 40 тонна прессланган янтоқ гарамлаб қўйдик. Прессланган янтоқ қўй учун жуда яхши озуқа. Қанча турса ҳам чиримайди. Худди бедадек, ширасидони ўзида туради. Қўй нушхўрдга чиқармай ейди. Уни қўйларга бўрон пайтларида, қаттиқ изғиринлар эсганда ейдирамиз. Бошқа кунлар сурувлар ҳайдаб боқилади.

Совхозимиз катта ғаллакор хўжалик. 21 минг гектар ерда дон экинлари етиштирдик. 5309 тонна сомон йиғиштириб олинди. У ҳам моллар қишлайдиган жойларга ташилиб, яхши асралмоқда.

Сурувда икки-уч киши бўлади. Етти юз қўйни сугориш жуда машаққатли. Шу сабабли биз қўйлар қишлайдиган жойларгаги 39 қудуқнинг ҳаммасига «ЗИД» маркали моторлар ўрнатдик. У мотор бир соатда бир сурув қўйни сугора олади. Артезиан қудуқлар ҳам ишлаб турибди.

Чорвачилик хўжалигимизнинг рентабелли тармоғи. Қоракўлчиликдан, гўшт, сут етиштиришдан ҳар йили катта фойда оляпмиз. Фақат қоракўлчиликнинг ўзидан 1970 йилда 21 минг сўм фойда олган эдик. Ўтган йили 41 минг сўм фойда олдик. Ҳукуматимизнинг яқинда қабул қилган қарорига биноан энди чўпон-чўлиқларга иш стажига қараб қўшимча ҳақ тўланадиган бўлди. Бу чорвачиликни янада юксалтиришга хизмат қилади. Кўп ёшлар оталари изидан бориб, мард ва жасоратли кишилар касби — чўпонликни ўрганмоқдалар. Фақат шу йилнинг ўзида Келдибек Тугалов, Мамат Ҳожимов, Алиқул Бобоев, Раҳмон Абдирасулов каби ўнлаб ёшлар пенсияга чиққан оталари қўйидан чўпонлик таёгини олиб, қўйчивонлик қила бошладилар. Бу ёш коммунистларнинг меҳнатидан, изланиш ва интилишларидан ҳамма хурсанд.

Раҳмон Жуманазаров, Абдисалом Қўшбоқов, Абдиваҳид Маматқулов ўртоқлар бошлиқ қорамолчилик фермалари коллективлари ҳам фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Бу фермалар ҳар бир сигирдан сут соғиб олиш йиллик планини анча ошириб бажардилар.

Совхоз дирекцияси, партия комитети, ишчилар комитети чорвадорларнинг унумли меҳнат қилишлари, яхши дам олишлари учун ҳамма шароитларни яратиб бермоқда. Қўйчилик фермалари учун битта кўчма Қизил байроқ таъсис этдик. Молларни чиқимсиз асраган, қиш пайтларида ҳам уларнинг маҳсулдорлигини камайтирмаган фермага ҳар ойда кўчма Қизил байроқ билан бирга юз сўм пул мукофоти қўшиб берилади.

Совхозимиз коллективи 1972-1973 йил чорва қишловини намунали ўтказиш ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни янада кўпайтириш учун социалистик мусобақани тобора кенг қулоч ёздирмоқда.

Ў. ТОШБЕКОВ,
Зомин районидаги «Қизил чорвадор» совхозининг директори.

Н. ОМОНҚУЛОВ,
Совхоз партия комитетининг секретари.

Тошкент область Калинин районидаги Собир Раҳимов номли колхознинг сут соғувчилари чорвадорларнинг Бутуниттифоқ мусобақасига қўшилиб ҳар бош сигирдан 2600 литрдан сут соғиб олишга аҳд қилдилар. Суратда: шу колхознинг илғор сут соғувчиси Зарофат Жалолова. У ўзига биркитилган 18 бош сигирнинг ҳар биридан 2600 литрдан сут соғиб олмоқчи.

А. Тўраев фотоси.

МОЛИ ТЎҚНИНГ КЎНГЛИ ТЎҚ

Самарқанд районидаги ўқув-тажриба совхозининг чорвадорлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг чорвадорлар ҳақидаги навбатдаги ғамхўрлигини меҳнатда катта ғалабалар билан қарши олдилар. Бу илғор хўжалик гўшт, сут ва ёш зотдор моллар етиштиришга ихтисослаштирилган. Хўжалик чорвадорлари мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш ва чорва молларни зоотехника қондалари асосида парваришлаш натижасида қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар. Зарафшон дарёсининг қирғоқларида неча ўнлаб гектар майдонларда озуқабоп экинлардан мўл ем-хашак йиғиштириб олинди. Хўжалик чорвадорлари ҳар йили маккажўхори, беда ва бошқа экинлардан кўплаб силос бостириш эвазига қиш фаслида ҳам мўл-кўл маҳсулот етиштиришга эришмоқдалар.

Хўжаликда ўтган йили 40 гектар майдонда хашаки лавлаги етиштирилиб, ҳар гектаридан 450 центнердан ҳосил йиғиштириб олинган эди. Бу йил лавлаги майдонлари янада кенгайди. Айни пайтда ҳосилдорлик ҳам ортди. 60 гектар майдоннинг ҳар гектаридан пландаги 350 центнер ўрнига 835 центнердан озуқабоп лавлаги олинди. Жами 5 минг тоннадан кўпроқ ширали озуқа тўпланди. Ҳ. Исмоилов, Ш. Мўминов, М. Решидов ўртоқлар бошлиқ бригадаларнинг тажрибакор коллективлари гектаридан 850 центнердан лавлаги ҳосили олдилар.

— Сўнгги йилларда тажрибада шу нарса маълум бўлдики, — дейди 2-бўлим бошқарувчиси Қувондиқ Шарипов, — лавлаги билан боқилган сигирлар қишда ҳам сутини камайтирмайди, балки ошириб боради. Бўлимимиз чорвадорлари молларни ширали озуқалар билан боқиб, сигир бошига 3 минг килограмм ва ундан ошириб сут соғиб олмоқдалар. Бу йил лавлаги экинзорлари янада кенгайди, гектаридан олинган ҳосил икки баравар ортди. Қиш фаслида чорва молларни узлуксиз ширали озуқа билан таъминлаш имкони туғилди.

Хўжалик деҳқонлари лавлагидан мўл ҳосил олишда катта тажриба орттирдилар. Лавлаги майдонлари кузда сифатли шудгорланади, лавлаги экишга эса март ойининг бошида киришилади. Лавлаги вақтида ягана қилиниб, қатор оралари чуқур юмшатилади ва уч марта озиқлантирилади. Заҳлатиб суғорилади. Ҳар бир лавлаги учтўрт килограмм тош босмоқда. Мана шундай омилкор тажриба эвазига хўжаликда гектаридан 850 центнерга қадар ҳосил олинмоқда.

Ширали лавлаги ва маккажўхори силоси билан боқилаётган, сигирлардан соғиб олинадиган сут миқдори йилдан-йилга ошиб бормоқда. Бўрдоқига боқилаётган моллар эса тез семираётир. Хўжалик коллективи ўтган йилдагига қараганда 900 центнер кўп гўшт етиштирди. Сут етиштириш йиллик плани муддатидан олдин бажарилди. Ўқув-тажриба хўжалигининг чорвадорлари бир ойдан буён 1973 йил ҳисобига сут топширмоқдалар.

Хўжаликда лавлаги ва маккажўхоридан тайёрланган силос сигирхоналар ва моллар бўрдоқига боқилаётган жойларга яқин траншеяларга бостирилган. Траншеяларнинг усти шоли похоллари билан ўралган. Бу йил ҳар бош соғин сигир учун 7-8 тонна лавлаги ва 10 тоннадан силос жамғарилди.

Л. ЭРГАШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ЮКСАК МАРРАЛАР

ЭСТОНИЯ ССР ТАРТУ РАЙОНИДАГИ «ТАРТУ» ТАЯНЧ НАМУНА СОВХОЗИ «РАХИНГЕ» ЧОРВАЧИЛИК ФЕРМАСИ СУТ СОҒУВЧИЛАРИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Биз КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорини зўр диққат билан кўриб чиқдик.

Биз «Тарту» таянч-намуна совхози «Рахинге» чорвачилик фермасининг сут соғувчилари партия ва ҳукумат қарорига жавобан илгари белгиланган планларимизни қайта кўриб чиқдик ва зиммадаги мажбуриятларни барвақт бажариш учун социалистик мусобақани янада кенг қулоч ёйдиришга қарор бердик.

Бултур бизнинг фермамизда ҳар бош сигирдан 3797 килограммдан сут соғиб олинди. Бу йил эса фермамиздаги 800 та сигирнинг ҳар биридан 3850 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини қабул қиламиз.

Биз партия ва ҳукуматнинг чорвачилик ходимлари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдириш тўғрисидаги қарорини бажара бориб, тўртинчи квартал тоширигини ошириб бажаришга қарор қилдик ва 1972—1973 йиллар учун янги социалистик мажбуриятлар олдик. Масалан, биз ноябрда ҳар бир сигирдан 280 килограммдан ва декабрда 380 килограммдан сут соғиб олишни мўлжаллаб қўйдик. Бунинг учун ҳамма резервлардан фойдаланиляпти, биз ноябрда 324 килограмм ва декабрда 425 килограмм сут бериш мажбуриятини оламиз. 1973 йилнинг биринчи ярмида бериладиган ялпи сутни 1820 тоннага ёки ўрта ҳисобда ҳар бир бош сигирга 2020 килограммгача етказамиз. Агар мажбуриятимизни бултургги йилнинг шу вақти билан таққослайдиган бўлсак, етиштириладиган ялпи сут 520 тонна кўпаяди.

Фермамиз 1973 йилда ўрта ҳисобда 3530 тонна, ёки ҳар бош сигирга ўрта ҳисобда 3920 килограммдан сут беради. Ялпи бериладиган сут 1972 йилдагига нисбатан 870 тонна кўпаяди. Ҳар бош сигирдан соғиб олинадиган сут ўрта ҳисобда 70 килограммдан кўпаяди.

Биз 1972—1973 йиллар учун зиммамизга шахсий социалистик мажбуриятлар ҳам олдик. Масалан, сут соғувчи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Вайке Нутт шу йилнинг IV кварталида ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 1150 килограммдан сут, 1973 йилнинг биринчи ярмида эса, ўзига биркитилган сигирлар гуруҳидан 138 тонна, ёки ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 2050 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олди.

Сут соғувчи Лехте Лийвоя шу йилнинг IV кварталида ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 940 килограммдан сут соғиб олиш, 1973 йилнинг биринчи ярмида эса ўзига биркитилган сигирлар гуруҳидан 170 тонна ёки ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 2000 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олди.

Сут соғувчи Анна Охакас шу йилнинг IV кварталида ўзига биркитилган ҳар бир сигирдан 810 килограммдан сут соғиб олиш, 1973 йилнинг биринчи ярмида эса ўзига биркитилган сигирлар гуруҳидан 225 тонна ёки ҳар бош сигирдан ўрта ҳисобда 2500 килограммдан сут соғиб олиш мажбуриятини олди.

Бизнинг мажбуриятларимиз пода огилхонада боқилаётганда биздаги ҳамма мавжуд резервлардан омилкорлик билан фойдаланишга асосланган. Шартли мол бошига 2100 озуқа бирлиги тайёрланди. Бу бултурги йилдагидан бирмунча озроқдир. Ноқулай об-ҳаво шароитлари сабабли ем ва картошкани камроқ олдик. Шунинг учун ҳам сенаж тайёрлашга алоҳида эътибор бердик. Башарти бултур ҳар бир бош сигирга 10 центнер сенаж тўғри келган бўлса, бу қишга икки баравар кўпроқ сенаж тайёрлаб қўйилди. Биз озуқа тўйимдорлигини ошириш учун рационга карбамид ҳам киритдик.

Биз фермада меҳнат тартиби ва унинг ташкил этилишини қайта кўриб чиқдик. Фермадаги ҳамма озуқа қатъий назорат остига олинди. Озуқа белгиланган рационгача олинди. Озуқа белгиланган рационда тарқатилмоқда. Эндиликда зоотехникларимиз ва механизаторларимиз ўз иш кунларини биз билан, яъни эрталабки сут соғиш пайти билан баравар бошламоқдалар. Зоотехниклар мол тўғри боқилишини кузатиб турибдилар. Маслаҳатлари билан ёрдам бермоқдалар, кундалик ишларни биргалашиб ҳал қиляпмиз.

Яқинда совхозимиз давлатга сут сотиш халқ хўжалик планини бажарганлиги тўғрисида рапорт берди. Қабул пунктларига 3900 тонна сут юборилди. Совхозимиз чорвадорлари партия ва ҳукумат қарорига жавобан йил охиригача қўшимча 400 тонна сут сотишга қарор қилдилар. Ҳозирги дамлар биз чорвадорлар учун гоятда масъулиятли дамлардир. Биз, «Тарту» совхозидаги «Райхинге» фермасининг сут соғувчилари чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни анча кўпайтириш юзасидан зиммамизга олган мажбуриятларни шараф билан бажармоқ учун ҳамма куч-қувватларимизни сарфлаймиз.

Мажбурият ферма ходимларининг умумий мажлисида қабул қилинган.

КИРОВОГРАД ОБЛАСТЬ ЗНАМЕНКА РАЙОНИДАГИ ШЕВЧЕНКО НОМЛИ КОЛХОЗ ҚУЙЧИЛИК ФЕРМАСИ КОЛЛЕКТИВИНИНГ 1972—1973 ЙИЛ ҚИШ ФАСЛИДА ЖУН ВА ҚЎЙ ГЎШТИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШНИ КЎПАЙТИРИШ ЮЗАСИДАН ЗИММАСИГА ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТИ

Шевченко номли колхоз қўйчилик фермасининг меҳнаткашлари КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини амалга ошира бориб, ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олишга тайёргарлик кўриб беш йиллик иккинчи йили учун зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини бажариш учун куч-ғайрат сарфлаяптилар. Бу йил жун бултурги йилдагига нисбатан бир ярим баравар, қўй гўшти етиштириш 1,2 баравар кўпайди. Қўй боқишни яхшилаш, бу соҳа янги прогрессив технологияни қўллаш натижасида шу йилда 100 гектар қишлоқ хўжалик ери ҳисобига 884 килограмм жун етиштирилди. Битта қўйдан қирқилган жун 5,8 килограммга етди, ҳар 100 совлиқдан ўрта ҳисобда 103 тадан қўзи олинди.

Фермانинг илғор ходимлари бундан ҳам яхшироқ кўрсаткичларга эришдилар. Чўпон Алексей Петрович Репенко 470 та қўйнинг ҳар биридан ўрта ҳисобда 8 килограммдан жун қирқиб олди. Федор Викторович Сидорчук, Анна Дмитриевна Денисова, Николай Степанович Денисов, Надежда Андреевна Денисовадан иборат чўпонлар бригадаси 1700 та қўйдан 7 килограммдан жун қирқиб олди. Колхозимиз давлатга жун сотиш халқ хўжалик планини барвақт бажарди.

Ферма меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг «1972—1973 йил қиш фаслида чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва тайёрлашни кўпайтириш учун чорвачилик ходимларининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини авж олдириш тўғрисида»ги қарорини яқдиллик билан маъқуллаётганлар ва бу қарорни Коммунистик партия ва Совет ҳукумати совет халқи фаровонлигини ошириш тўғрисида, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш программаси муваффақиятли амалга оширилиши ҳақида доимо гамхўрлик қилаётганлигининг янги ёрқин ифодаси деб баҳоламоқдалар.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилиб ва ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, зиммамизга қўйидаги оширилган мажбуриятларни оламиз: 1972—1973 йилларнинг қўй огилхонада боқиладиган тўққиз ойи мобайнида 750 центнер ёки 1971—1972 йилларнинг шу давридагига нисбатан 43 процент кўп жун, 950 центнер ёки 9 процент кўп қўй гўшти етиштирамиз. Шу давр мобайнида ҳар бир қўйдан ўрта ҳисобда қирқиб олинадиган жунни 5,8 килограммга етказамиз, ҳар юз совлиқдан 105 тадан қўзи оламиз. 1 центнер жун таннархини 17 сўм 75 тийин ва 1 центнер қўй гўштини 1 сўм 17 тийин пасайтириш мажбуриятини оламиз. Меҳнат унумдорлигини эса йил мобайнида 20 процент ошириамиз.

Қўй маҳсулдорлиги ва туёғини ошириш ҳисобига жун ва қўй гўшти етиштириш ва тайёрлашни кўпайтирамиз: 1973 йил мобайнида қўй туёғини 2,6 мингта кўпайтириб, 17,2 минг бошга етказамиз.

Бизда қўй қишлови уюшқоқлик билан бошланди: Чорвачилик биноларини барвақт ремонт қилиб қўйилди, Ферма кадрлар билан тўла таъминланди, қўйларнинг семизлиги дуруст. Ферма ходимлари қўйчиликни илмий асосда олиб бориш учун ўз малакаларини ошириш тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиб турадилар.

Биз озуқа базасини янада мустаҳкамлаш жун ва қўй гўшти етиштиришни кўпайтириш борасида белгиланаётган режаларнинг энг муҳим шарти эканлигини биламиз. Шунинг учун ҳам бизда келаси йили ем, ширадор ва дағал озуқа ресурсларини кўпайтирмоқ учун кўп ишлар қилинмоқда. Колхозда гектар бошига 48 центнердан маккажўхори дони, 200 центнердан силос етиштириш, 500 гектар майдонда жарларнинг қияларини ўтлоққа айлантириш, 3000 тонна сенаж бостириш кўзда тутилмоқда.

Ферма ходимлари ўз социалистик мажбуриятларини шараф билан бажо келтириш ва шу билан қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш умумхалқ ишига муносиб ҳисса қўшиш учун ҳамма ишларни қиладилар.

Социалистик мажбуриятлар ферма ходимларининг умумий йиғилишида муҳокама қилинди ва қабул этилди.

Жаҳон бўйлаб

ҚАРДОШЛИК, ЖИПСЛИК НАМОЙИШИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев раҳбарлигидаги совет партия-ҳукумат делегациясининг Венгрияда бўлишини чет эл жамоатчилиги, матбуоти, радио ва телевидениеси зўр эътибор билан кузатиб турибди. Будапештдан берилаётган хабарларда Совет Иттифоқидан келган меҳмонлар Венгрия диёрида хурсандчилик билан самимий кутиб олинганлиги таъкидланмоқда. Жуда кўп масалалар юзасидан иккала томон ўртасидаги фикрлашув қардошларча самимий вазиятда ўтаётганлиги таъкидланмоқда.

Венгрияда чиқадиган «Непсабадшаг», «Мадьяр хирлап», «Мадьяр немзет», «Непсава» газеталари, бошқа қардош социалистик мамлакатларнинг матбуоти совет партия-ҳукумат делегациясининг расмий дўстлик визитини Совет — Венгрия дўстлигининг янги ёрқин намойиши деб таърифламоқда. Л. И. Брежнев ва Я. Кадар ўртоқларнинг учрашуви тўғрисидаги, совет делегациясининг аъзолари мамлакатнинг муҳим саноат марказги — Дьер шаҳрини бориб кўрганлиги ҳақидаги хабарлар газеталарнинг кўзга яққол ташланадиган жойларида катта-катта сарлавҳалар билан эълон қилинмоқда.

Совет делегацияси Венгрияда бўлишининг икки куни натижалари партияларимиз, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги бузилмас қардошларча дўстликни исботламоқда, деб ёзади «Непсабадшаг» газетаси. Ҳозирги учрашув иккала мамлакат ва бутун социалистик ҳамдўстлик манфаатлари йўлидаги ҳамкорлигимизни янада кўпроқ мустаҳкамлайди.

Ўртоқ Янош Кадар Совет Иттифоқининг олий мукофоти — Ленин ордени билан мукофотланганлиги, бу ордени унга шахсан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев топширганлиги делегация аъзоларининг Венгрия жамоатчилигида чуқур, унутилмас таассурот қолдирди, деб давом этади «Непсабадшаг». Совет партия-ҳукумат делегациясининг Венгрия Халқ Республикасига қилган бу сафарги визити, бўлиб ўтаётган самимий учрашувлар, дўстона суҳбатлар, амалий музокаралар мустаҳкам принципиал негизга асосланган Совет — Венгрия дўстлигининг ҳақиқий байрамидир, деб таъкидлайди газета пировардида.

Болгарияда чиқадиган газеталар Совет — Венгрия музокараларининг самимий вазиятда ўтаётганлигини таъкидлаб ёзмоқда. Бу ҳақдаги хабарларни болгар газеталари «Дўстлик ва ҳамкорликнинг ёрқин намойиши», «Совет — Венгрия дўстона муносабатлари мустаҳкамланмоқда» деган сарлавҳалар остида босиб чиқармоқда.

Европа жамоатчилиги Будапешт музокараларига зўр эътибор билан қарамоқда, деб ёзади «Работническо дело» газетаси. Бу музокаларда муҳим халқаро проблемалар, шу жумладан, хавфсизлик ва ҳамкорлик масалаларига бағишланган Умумевропа кенгашини чақиришга алоқадор масалалар устида гаплашиб олинмоқда.

Болгарияда чиқадиган бошқа бир «Отечественфронт» газетаси бундай деб ёзади: Совет — Венгрия дўстлиги социалистик интернационализмининг мустаҳкам пойдеворига, КПСС билан ВСНПнинг ва иккала мамлакатнинг икки томонлама муносабатларни ривожлантиришга доир барча масалалар ҳусусидаги, ҳозирги халқаро аҳволнинг барча проблемалари ҳусусидаги тўла ҳамжиҳатлиги ҳамда қараашлари ва позицияларининг бирлигига асосланади.

Польшада чиқадиган газеталар Будапештдан олинган хабарларда Л. И. Брежневнинг Я. Кадар билан учрашуви тўғрисида, шунингдек делегация аъзоларининг Дьер шаҳридаги «Раба» заводи маданият уйида меҳнат илғорлари билан учрашуви ҳақида, ана шу учрашувда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси В. В. Шчербицкийнинг нутқ сўзлаганлиги тўғрисида ҳикоя қиладилар.

«Совет—Венгрия қардошларча иттифоқи социалистик ҳамдўстликнинг мустаҳкам асосларини мустаҳкамлашга кўмаклашди» деди. У тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Ҳиндистон — Совет шартномаси Осиёда ва бутун дунёда тинчликнинг муҳим омилидир, деди.

Коммунист депутатларнинг сўзлаган нутқларида Ҳиндистоннинг тинчлик ва қўшилмаслик ташқи сиёсатини мустаҳкамлашга қатъий чақириқ овозлари янгради.

Чехословакиядаги «Млада фронта» газетаси махсус шарҳида иккала қардош мамлакатнинг ҳамкорлигини ҳар томонлама ривожлантиришга ва бу ҳамкорликни янада кенгайтиришнинг катта истиқболларига эътиборни жалб қилади.

Бу қадар нуфузли совет делегацияси Венгрияга келганлиги, деб ёзади Братиславадаги «Правда» газетаси, Совет — Венгрия муносабатлари тарихида муҳим воқеадир. Бу эса, қардошларча ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш имкониятини яратади. Совет партия-ҳукумат делегациясининг Венгрияга қилган визити социалистик мамлакатлар халқлари бузилмас дўстлигининг яна бир исботи бўлиб хизмат қилади, деб таъкидлайди газета.

Ғарб мамлакатларининг ахборот агентликлари ва матбуоти совет партия-ҳукумат делегациясининг Венгрия Халқ Республикасига қилаётган визитига катта эътибор бермоқда. Лондондаги «Таймс» ва бошқа бир қанча газеталар дўстона Совет—Венгрия муносабатлари янада ривожланаётганлиги ва мустаҳкамланаётганлигини қайд қилмоқда. Финляндияда чиқадиган «Кансан уутисет» газетаси Л. И. Брежневнинг Венгрия социалистик ишчи партияси, Венгрия ҳукумати ва халқи Венгрия — Совет дўстлигини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш соҳасида сарф қилаётган куч-ғайратлар Совет Иттифоқида юксак баҳоланмоқда, деган сўзларини алоҳида бўрттириб берди.

(ТАСС).

ТИНЧЛИК ЙЎЛИДА

ДЕҲЛИ, 30 ноябрь. (ТАСС). Ҳукмрон Ҳиндистон Миллий Конгресс партиясидан парламент юқори палатасига депутат П. К. Мукержи ташқи сиёсатга доир мунозара чоғида сўзлаган нутқида Ҳиндистон ўтказиб келаётган «қўшилмаслик сиёсати ижобий натижалар берди ва ялпи тинчлик иши мустаҳкамланишига кўмаклашди» деди. У тинчлик, дўстлик ва ҳамкорлик қилиш тўғрисида имзоланган Ҳиндистон — Совет шартномаси Осиёда ва бутун дунёда тинчликнинг муҳим омилидир, деди.

Коммунист депутатларнинг сўзлаган нутқларида Ҳиндистоннинг тинчлик ва қўшилмаслик ташқи сиёсатини мустаҳкамлашга қатъий чақириқ овозлари янгради.



Совет — Венгер дўстона алоқалари йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Молдавия ССР Лазовский районидаги Мичурин номли колхозда мана икки йилдирки, венгер селекционерлари яратган маккажўхори уруғи экилмоқда. Пастдаги суратда шу колхознинг агрономи, партия ташкилотининг секретари Б. Ф. Гадирио (ўнгда) ва тракторчилар бригадасининг бошлиғи, Молдавия ССРда хизмат кўрсатган механизатор В. А. Криган агрономия кабинетида маккажўхори сўтасини кўздан кечирмоқдалар. Юқоридаги суратда эса Европадаги энг қадимий пойтахтлардан бири Будапешт акс эттирилган.

Э. Мечник ва В. Созинов фотолари. (ТАСС).

«ОСИЁ-72» ЯРМАРКАСИДА

ДЕҲЛИ, 30 ноябрь. (ТАСС муҳбири). Ҳиндистон пойтахтида ўтаётган «Осиё-72» 3-Осиё халқаро савдо ярмаркасида кеча совет Ўрта Осиё республикалари миллий куни нишонланди. Матбуот конференциясида сўзга чиққан Қозоғистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари С. С. Жиенбаев, министрлар М. Иброҳимов (Ўзбекистон), К. Сатторов (Қирғизистон), Р. Нурмуҳаммедов (Туркманистон), И. С. Аҳмедов (Тожикистон), Совет ҳокимияти йиллари мобайнида Ўрта Осиё республикалари эришган тараққиёт тўғрисида гапириб бердилар. «Осиё-72» ярмаркасидаги совет павильони экспозициясида ёппасига саводсизликдан ялпи бепул таълимгача, иқтисодий қолоқликдан илғор экономикагача босиб ўтилган йўл яққол акс эттирилган.

Учинчи Осиё халқаро савдо ярмаркасида Совет Ўрта Осиё республикаларига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Кечада кўпдан-кўп ҳинд меҳмонлар, Деҳли демократик жамоатчилигининг вакиллари, маданий алоқаларни ривожлантириш Ҳиндистон — Совет жамиятининг активлари ҳозир бўлдилар.

А. СОЛОДОВ.

Филиппинда қамоққа олишлар

НЬЮ-ЙОРК, 30 ноябрь. (ТАСС). Филиппин маъмурлари мамлакат президенти Ф. Маркосга қарши қилинмоқчи бўлган фитнага америкалик олти киши аралашганлигини маълум қилдилар. Шулардан бири қамоқда. Шу ҳақда хабар берган Филиппин информация министри Ф. Татад фитнага Филиппиннинг баъзи сиёсий арбоблари ва истеъфодаги ҳарбийлар ҳам аралашганлигини айтди.

СПОРТ

БИРИНЧИ ШАХМАТЧИ ХОТИРАСИГА

Шатранж ўйини ишқибозлари Ўзбекистоннинг биринчи чемпиони номини ҳануз ҳурмат билан тилга оладилар. Айниқса чойхона ва гурунгларда дона сураётган отахонлар Азмиддин Хўжаевни эслаб туришади. Республика шахмат федерацияси бундан 42 йил бурун Ўзбекистон чемпиони номини олишга муяссар бўлган А. Хўжаев хотирасига бағишланган мусобақа ўтказиш билан хайрли ишга қўл урди.

Биринчи чемпион хотирасига бағишланган шахмат мусобақалари бугун бошланади. С. Ҳожибеков, А. Айрапетов, Х. Абдуллаев. У. Элбеков, А. Сорокин, Р. Раҳимов, В. Ясевич каби шогирдлар етиштирган Азмиддин шахматчи хотирасини яна бир бор ёд этиш учун мамлакатимизнинг таниқли спортчилари ҳам ташриф буюришган. Улар орасида халқаро гроссмейстерлар М. Тайманов ва Л. Штейн ҳамда халқаро классли спорт мастери Л. Цишковскийлар бор. Қозоғистон ва Туркманистон шахматчиларидан А. Середенко билан А. Кудряшевлар келишган.

Чемпион хотирасини ўзбекистонлик шахматчилардан: спорт мастери М. Муҳиддинов, бугунги кунда номлари оғизга тушиб қолган Г. Борисенко ва Л. Масловлар ёд этишади. 16 шахматчи иштирокида ўтадиган мусобақалар 25 декабрга қадар давом этади.

Редактор ўринбосари Х. ЕДГОРОВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Қувноқ қалам ва унинг дўстлари. 13.05 — **Қирол регатаси** (бадиий фильм). 14.35 — Фан ва маданиятнинг муҳим масалалари. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Музикали кўрсатув. 18.40 — Мультфильм. 18.50 — Ахборот. 19.05 — **Зўраки ота** (бадиий фильм). 20.25 — Ахборот. 20.45 — Бизнинг суҳбат. 21.00 — «Ғазалхон ёшлигим». 21.45 — Беш йиллик илғорлари. 22.00 — «Вақт». 22.30 — «ОЛТИН ВОДИЙ». 24.00 — **Оқ олтин** (ҳужжатли фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 11.30 — Ҳужжатли фильм. 16.50 — МОСКВА. 16.55 — Янгиликлар. 17.00 — Белорус қишлоғи ҳаёти саҳифалари. 17.30 — «Жасорат»нинг дала почтаси. 18.00 — Мультфильмлар. 18.35 — М. Горький. **Советлар Иттифоқи бўйлаб.** 19.00 — Ҳужжатли фильм. 19.10 — Концерт. 20.00 — Суд залидан репортаж. 21.10 — Концерт. 22.00 — Телефильм. 22.30 — **Хоккей:** ЦСКА — «ХИМИК» (Воскресенск). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.35 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/XII да **Риголетто**, 3/XII да **Оққўш кўли** (кундузги), **Дилором** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/XII да **Афсона яратган қиз** (кундуз соат 12 да), 4/XII да **Ой тутилган тунда** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/XII да **Тошболта ошиқ**, 4/XII да **Лаҳма**, 5/XII да **Жон қизлар** (кундуз соат 12 да). **Хотинимнинг эри** (кеч соат 7 яримда).

КИНО

Даурия — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ИЙЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

У ёқдагилар, тингланглар — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ИЙЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ҳамма шубҳа остида — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун), «ДРУЖБА» (тоқ соатларда), САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 11, 1 ва 9 да), «МОСКВА» (кундуз соат 3, 5 ва кеч 7 да).

Уч мушкетёр — НАВОИЙ номли (кундуз ва кечқурун).

Қаҳрлилик қиссаси — ҲАМЗА номли (кундуз ва кечқурун).

Оливер — «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Аёллар ва берсельерлар — «ДРУЖБА» (жуфт соатларда).

Кулгили қиз — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 3 ва кеч 6.15 минутда), «МОСКВА» (кундуз соат 12 ва кеч 8.40 минутда).

ТЕЛЕТАЙП ЛЕНТАСИДАН

◆ ЛОНДОН, 1 декабрь. (ТАСС). Осиё мамлакатларидан келиб Лафбородаги трикотаж фабрикасида ишлаб турган 500 нафар ишчи митинг ўтказдилар. Бу оммавий митинг қатнашчилари, бизнинг ҳақконий талабларимизни хўжайинлар қондирмагунча забастовкани давом эттираверамиз, деган қарор қабул қилишди. Бу муҳожир ишчилар фабрикада авж олиб кетган иркчилиқ тартибларига қарши норозилик билдириб иш ташлаганларига беш ҳафта бўлди. Хўжайинлар уларга нуқул энг ифлос ва кам ҳақ тўланадиган иш берадилар, иш ҳақини ҳар доим кечиктириб тўлайдилар.

Лафбородаги трикотаж фабрикасида рўй бераётган бу аҳвол Англияга Осиё мамлакатларидан келиб ишлаётган «рангли» ишчиларнинг оғир аҳволини кўрсатувчи жуда кўп мисолларнинг биридир холос. 16 ёшдан 20 ёшгача бўлган муҳожирлар орасида ишсизлар 16 процентни ташкил этади. Бу эса мамлакатдаги ёш бўғин орасидаги ишсизлик даражасидан икки баравар кўп.

◆ МЕХИКО, 1 декабрь. (ТАСС). Бир қанча чет эл мамлакатлари бўйлаб сафарга чиққан Чили Президенти Сальвадор Альенде Мексика пойтахтига келди.

Чилидан келган олий меҳмонни пойтахт аэропортида Мексика президенти Луис Эчеверна Альварес ва бошқа расмий ишлар кутиб олишди. Мексика пойтахтининг минглаб аҳолиси Сальвадор Альенденни ва унинг ҳамроҳларини қизғин ҳурмат билан қабул қилишди.

◆ ТОКИО, 1 декабрь. (ТАСС). Окинавада жойлаштирилган америкалик қўшинлар составидаги денгизчи Д. Дойль Кодза шаҳри аҳолисидан бўлган 30 яшар бир хотинни ўлдирди. Қотил қамоққа олинди.

Бу янги жиноят Окинаванинг Наха деган бошқа бир шаҳрида бундан икки ой муқаддам Окинавалик 36 яшар бир кишини отиб ўлдирган Америка денгиз пиёда қўшинларининг солдати Бенжамин устидан суд ўтказилаётган вақтда содир бўлди.

◆ БОННГ, 1 декабрь. (ТАСС). Америка ва Англия нефть монополиялари ёқилғи бозорида олиб бораётган қаттиқ ҳужум натижасида мамлакатнинг тошкўмир районларидаги шахталарда иш тўхтаб қолмоқда. Расмий маълумотларга қараганда, Германия Федератив Республикасида 1957 йилдан бери шахталар сони камайиб, 175 тадан 61 тага тушиб қолди, яъни шахталарнинг қарийб учдан бир қисми қолди.

Айни вақтда кўмир қазишни тўхтатиб қўйган шахталарнинг хўжайинлари Ғарбий Германиянинг солиқ тўловчилари ҳисобидан бунинг эвазига миллионлаб компенсация (товон пули) олдилар.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

Тошкент телестудиясининг ҳафталик программаси

4 ДЕКАБРЬ, ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — «Оқ олтин» ўлкаси қўшиқлари. 11.00 — МОСКВА. 16.50 — ТОШКЕНТ. 16.55 — Телефильм. 17.35 — «Пахтаой» қушиғи. 18.15 — Меҳнат қаҳрамонлари ҳақида ҳикоялар. 18.35—Сирдарё ГРЭСи қурилиши кундалиги. 18.45 — Ахборот. 19.00 — **Оламга саёҳат.** 19.45 — Ахборот. 20.00 — Илғорлар даврасида. 22.00 — «ВАҚТ». 22.30 — **Ишбилармон кишилар** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 —ТОШКЕНТ. **Қишлоқи аёл** (телеспектакль). 16.50 МОСКВА. 17.30 — Мультфильмлар. 18.00 — Нурек ГЭСи қурувчиларининг талабларига мувофиқ концерт. 18.50 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 19.30 — **Ишонч** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 20.45 — Москва концерт заллари бўйлаб. 22.00 — Фильм-концерт. 22.30 — Адабий суҳбатлар. 23.20 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.50 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

5 ДЕКАБРЬ, СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Бахтимизни куйлаймиз. 10.40 — Концерт. 11.00 — МОСКВА. 16.20 — ТОШКЕНТ. 16.25 — «Звездочка». 17.10 — Цирк томошалари. 18.00 — Бахтли болалигимиз. 18.40 — Ахборот. 18.55 — Бугун — СССР Конституцияси куни! **Бахт қонуни.** 19.15 —Концерт. 20.00 — Ахборот. 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 — «Вақт». 21.00 — Ҳосил байрами. 22.30 — **Болтиқ депутати** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. **Дамба** (телефильм). 16.20 — МОСКВА. 18.30 — **Хоккей:** «ДИНАМО» (Москва) — «ХИМИК» (Воскресенск). 19.20 — **Ишонч** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 20.30 — **Совет Герби ҳақида ҳикоя** (ҳужжатли фильм). 20.40 — Телефильм. 21.00 — МОСКВА. **Хоккей:** ЦСКА (СССР) — «БРЮНЕСЬ» (Швеция). 23.15 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. **Тўй қўнғироқлари** (бадиий фильм). 21.55 — Тошкент янгиликлари. 23.15 — Эстрада концерти.

6 ДЕКАБРЬ, ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30— ТОШКЕНТ. 11.40 —**Утмиш садоси** (бадиий фильм). 18.00—**Лайлаклар** (мультфильм). 18.15 — Телефильм. 18.30 — Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи. **Чувашистон АССР** (Москва). 19.00 — Чолғу куйларидан концерт. 19.20 — Ахборот. 19.35 — Сирдарё ГРЭСи қурилиши кундалиги. 19.45 — Концерт. 20.25 — Ахборот. 20.40 — **Оталар сўзи — ақлнинг кўзи.** 21.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Миллионлар ленинча университети. 22.45 — **Софья Грушко** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.00 — МОСКВА. 18.05 — Янгиликлар. 18.10 — Мультфильмлар. 18.30 — ТОШКЕНТ. Врач маслаҳати. 18.45 — Ҳужжатли фильм. 19.00—МОСКВА. 19.15 — Адабий ўқиш. 20.00 — Оила шарафи. 20.30 — **Чўл чорлайди** (бадиий фильм). 22.00 — Буюк дўстлик саҳифалари. 22.30 — Санъат усталарининг концерти. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 19.40 — Тошкент янгиликлари. 20.00 — Фильм-концерт. 20.30 — Телефильм.

7 ДЕКАБРЬ, ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — Мультфильмлар. 13.30 — **Ҳаётни олқишлаб** (бадиий фильм). 14.35 — Меҳнатқаш планета ёшлари. 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Мультфильм. 18.25 — Миллионлар ленинча университети (Москва). 18.55 — Ҳужжатли фильм. 19.25 —Беш йиллликнинг иккинчи йили. 19.50 — Ахборот. 20.05 — Социализм дунёси (Москва). 20.35 — Ахборот. 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — «Ўзбекистон чорвадори». 21.30 — Концерт. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Алишер Навоий номидаги Ўзбек давлат академик опера ва балет Катта театрининг ижодий кечаси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.45 — МОСКВА. 17.50 — Янгиликлар. 17.55 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.25 — Ҳужжатли фильм. 18.55 — Музикали программа. 20.05 — Музей залларида (Тошкент). 20.35 — Бадиий фильм. 22.00 — ТОШКЕНТ. Юбилей вахтасида. 22.15 — **Денгиз сирлари** (телефильм). 22.30 — МОСКВА. Бокс бўйича халқаро турнир. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. **Матонатли кишилар** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 21.20 — Тошкент янгиликлари. 21.40 — Концерт.

8 ДЕКАБРЬ, ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА 17.55 — ТОШКЕНТ. 18.00 — Истиқбол эгалари. 18.40 — Сирдарё ГРЭСи қурилиши кундалиги. 18.50 — Ахборот. 19.10 — Ўн минут музика. 19.20 — Ахборот. 19.40 — Ўзбекистон халқ шоири **Уйғунинг** ижодий портрети. 21.30 — МОСКВА. «Вақт». 22.00 — Ҳур республикалар бузилмас иттифоқи. **Грузия ССР.** 24.00 — Спорт кундалиги. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 12.00 — **Тилла тиш** (бадиий фильм). 17.20 — МОСКВА. 17.25 — Янгиликлар. 17.30 — Ватанимиз флоти. 18.30 — Фан қишлоқ хўжалигига. 19.00 — Бадиий гимнастика. 19.30 — Фотоҳаваскорлар учун кўрсатув. 20.00 — **Ромео ва Жульетта** (фильм-концерт). 20.20 — **Асаблар, асаблар** (бадиий фильм). 21.20 — ТОШКЕНТ. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 20.00 — ТОШКЕНТ. Совет артистлари ижросида классик куйлар. 20.40 — Тошкент янгиликлари. 21.00 — **Матонатли кишилар** (бадиий фильмнинг 2-серияси).

9 ДЕКАБРЬ, ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.15 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Жаҳон халқлари қўшиқлари. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — Мультфильм. 11.40 — «Здоровье». 12.10 — Композитор **А. Бобоев** қўшиқлари. 12.50 — Чили кураш, меҳнат ва келажакка ишонч билан яшамоқда. 13.15 — Концерт. 14.25 —Фан ва маданиятнинг ажтуал масалалари. 14.55 — Концерт. 15.15 — **Ҳайвонот оламида.** 16.15 — Адабий ўқиш. **Генрих Гейне.** 16.30— ТОШКЕНТ. 16.35 — Мультфильм. 16.55 — Моҳир қўллар. 17.35 — Қўшиқ — ҳамроҳимиз. 18.45 — Ахборот. 19.00 — Студентлик — олтин даврим. 20.00 — Оламда нима гап? 20.30 — Ўн минут музика. 20.40 — Ахборот. 21.00 — Ишчи — фахрли ном. 22.00—«Вақт». 22.30 — Қўшиқ ёзувчи шоирлар. **Уткир Рашид.** 23.30 — **Улғанлар жавоб беради** (бадиий фильм). ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 16.30 — МОСКВА. **Қишлоқилар** (бадиий фильм). 18.10 — музикали программа. 20.35 — **Доминас жиноятчилари** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 22.00 — **Ҳаёт саҳифалари** (Тошкент). 22.30 — Адабий учрашувлар. **Э. Межелайтис.** 23.20 — Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.10 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

10 ДЕКАБРЬ, ЯКШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.25 — ТОШКЕНТ. 9.30 — Янгиликлар. 9.40 — Кинотопишмоқ. 10.30 — Телефильм. 11.00 — МОСКВА. 11.05 — Янгиликлар. 11.10 — «Будильник». 11.40 — Мультфильм. 12.00 — «Пионерия» куйлайди. 13.00 — Совет Армияси ва Флоти жангчилари учун кўрсатув. 13.30 — Музикали киоска. 14.00— Оила шарафи. 14.30 — Концерт. 15.00 — Маҳсулотлар халққа. 15.30 — **Киносаёҳатчилар клуби.** 16.30 — Концерт. 16.50 — Адабий асарларни экранлаштириш. 18.05 — ТОШКЕНТ. 18.10 — Мультфильм. 18.15 — Ахборот. 18.30 — Сирдарё ГРЭСи қурилиши кундалиги. 18.40 — Бадиий фильм. 20.00 — Ахборот. 20.15 — Республика областларининг телефестивали. **Самарқанд области.** 22.15 — МОСКВА. «Вақт». 22.45 — Фигурали учиш бўйича халқаро турнир. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 9.30 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 18.05 — МОСКВА. 18.40 — Ҳужжатли фильм. 19.30 — Қишлоқ янгиликлари. 20.35 — **Доминас жиноятчилари** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 22.15 — ТОШКЕНТ. **Ут ичида** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.05 — ФРУНЗЕ КЎРСАТУВЛАРИ.

ТОШКЕНТ «ЭТАЛОН» ЗАВОДИ

ҲАММА МИНИСТРЛИКЛАР, ИДОРАЛАР, САНОАТ КОРХОНАЛАРИ, ТАШКИЛОТЛАР, КОЛХОЗЛАР, СОВХОЗЛАР, ВА ҲАММА МЕТРОЛОГИЯ ХИЗМАТИ РАҲБАРЛАРИГА

Оғирлик ўлчови, электр ўлчови, теплотехника, ҳамма типдаги радио ўлчови, механик, босим, бензин тақатувчи колонка асбобларини 1973 йилда

ТЕХНИКАВИЙ КУЗАТИШ ВА ТУЗАТИБ БЕРИШ УЧУН

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШИНИ БИЛДИРАДИ

Шартнома тузиш муддати 1973 йил 1 январгача.

ШАРТНОМАНИ ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРДА ТУЗИШ МУМКИН.

Тошкент шаҳри, Губкин кўчаси, 1«а»-уй, телефон 66-02-11;

Андижон шаҳри, Базарная кўчаси, 4-уй, телефон 28-93;

Фарғона шаҳри, Р. Қосимов кўчаси, 11-уй, телефон 44-112;

Самарқанд шаҳри, 1-алоқа бўлими, телефон 3-25-66;

Душанба шаҳри, Патрис Лумумба кўчаси, 41-уй;

Ленинобод шаҳри, Ленинградская кўчаси, 3-уй;

Нукус шаҳри, Раҳимов кўчаси, 11-уй, телефон 24-63;

Наманган шаҳри, Зарбулоқ тупиги, 3-уй;

Ургенч шаҳри, Базарная кўчаси, 7-уй.

«УЗАВТОРЕМОНТ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ АВТОРЕМЗАВОДЛАРИ

ҲАММА КОРХОНАЛАР, ИДОРАЛАР, КОЛХОЗЛАР ВА СОВХОЗЛАРДАН

автомобилларни чекланмаган миқдорда капитал ремонтга

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

УРАЛ-355 М, ЛАЗ-695, 697 — Самарқанд шаҳри, Горький хиёбони, 17-уй, 3-авторемзавод;

ГАЗ-51, ГАЗ-53Ф, ГАЗ-53А, ПАЗ-651, ПАЗ-652 — Тошкент шаҳри, Дадабоев кўчаси, 54-уй, 10-авторемзавод;

УРАЛ-355М — Нукус шаҳри, Ленин проспекти, 57-уй;

УРАЛ-51 — Хоразм область, Хива шаҳри, «Соят» қишлоқ совети, 13-авторемзавод.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ◆ ТЕЛЕФОНЛАР эълонлар — 338142, коммутатор — 330249 дан 330258 гача.

Б. — 283. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. ИНДЕКС 64697. Р. 03860.